

212 - 877
2001: 4

O'ZBEKISTON TARIXI



4

2001

2



21877

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI


O'ZBEKISTON TARIXI

*Jurnalga 1998 yil iyulda asos solindi
Bir yilda to'rt marta chiqadi*

4

2001

Toshkent
O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
«Fan» nashriyoti



Таҳрир ҳайъати:

Дилором АЛИМОВА (*бош муҳаррир*), Азамат ЗИЕ, Буривой АҲМЕДОВ, Шонра АСАДОВА (*масъул котиб*), Омонулла БҶРИЕВ, Валерия ГЕНТШКЕ, Доно ЗИЕЕВА, Нейматилла ИБРОҲИМОВ, Зоҳиджон ИСЛОМОВ, Уткир ИСЛОМОВ, Мирсодиқ ИСҲОҚОВ, Элёр КАРИМОВ, Розия МУКМИНОВА, Эдвард РТВЕЛАДЗЕ, Рустам СУЛАЙМОНОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Темур ШИРИНОВ, Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Фарҳод ҚОСИМОВ, Асомиддин УРИНБОЕВ.

Манзилимиз:

700170, Тошкент, Н. Мўминов кўчаси, 9-уй
Телефонлар: 133-47-12; 162-38-73

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2001 йил

Муҳаррирлар: М. Саидова, Ҳ. Раулова
Техмуҳаррир: Л. П. Тюрина

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 66208. Термишга берилди 24.12.2001. Босишга рухсат этилди 24.01.2002.
Қоғоз бичими 70%100%. Адабий гарнитура. Юқори босма. Офсет қоғози. Шартли босма т. 5,8.
Ҳисоб-нашриёти т. 5,1. 592 нусха, 66-буюртма.

ЎЗР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, акад. Яҳё Ғуломов кўчаси, 70.
ЎЗР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170, Тошкент, акад. Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 79.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига

Ш. Пидеев

ҚАДИМИЙ ТЕРМИЗ 2500 ЕШДА

Қадимги Шарқ маданияти тизимида Бақтрия алоҳида ўрин эгаллайди. Чунончи Бақтрия энг қадимги маданият ўчоқларидан ҳисобланиб, у зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да Бахди номи билан қайд қилинган. Бахди Ахура Мазда томонидан тўртинчи бўлиб яратилган мамлакат ҳисобланиб, у бағоят гўзал ва тўғларни баланд кўтарилган ўлка сифатида таърифланган. Қадимги Юнон ва Рим тарихчилари Бақтрияни «орийлар юртининг кўрки», «минг шаҳарли ўлка» деб қайд қилганлар. Бу таърифлар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларига ҳам тааллуқлидир. Зеро, бу ҳудуд қадимда Бақтриянинг энг ривожланган ерларидан ҳисобланган ва қадимги Термиз шаҳри антик манбаларда қайд қилинган мингта шаҳарнинг шубҳасиз бири бўлган.

Қадимги Термиз шаҳри ҳозирги шаҳардан 7 км шимоли-ғарбда, Амударё бўйида жойлашган. Шаҳарнинг стратегик аҳамиятига молик бўлган ерда жойлашуви, яъни дарёни кечиб ўтиш учун қулай бўлган ерда, шимолни жануб билан, шарқни ғарб билан боғловчи савдо чорраҳасида жойлашуви уни тез суръатлар билан ривожланишига, равнақига замин бўлиб хизмат қилди. Бу омиллар шаҳарни қадимги ва ўрта аср ўрта Осиё давлатлари таркибидаги ўрнини ҳам белгилаб берди. Шаҳарни трансконтинентал «Буюк Ипак йўли» тармоғида жойлашуви унинг равнақига равнақ қўшди.

Археологик тадқиқот натижаларига қараганда, қадимги Термиз ўрнидаги манзилгоҳга милоддан олдинги биринчи минг йилликнинг ўрталарида асос солинган¹. Бу манзилгоҳга қадимги одамлар томонидан «Тармита» деб ном қўйилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу сўз қадимги «авесто» сўзидан олинган бўлиб, у «дарёни нариги қирғоғидаги манзилгоҳ» деган маънони англатган. Тез орада Тармита Амударёни ўнг ва чап соҳилларини бирлаштириб турувчи кечувлардан бирига айланган. Тахмин қилинишича Александр Македонский томонидан асос солинган «Окс бўйидаги Александрия» шаҳри Тармита ўрнида барпо этилган. Кейинчалик кўчманчилар томонидан вайрон этилган бу шаҳар салавқийлар шоҳи Антиох томонидан қайта тикланган ва унга «Окс бўйидаги Антиохия» номи берилган². Тармита-Термиз шаҳри

¹ Пидеев Ш. Р. Материалы к изучению древнейшей истории Термеза//ОНУ, 2000. № 3. С. 51—56.

² Пидеев Ш. Р. К локализации Александрии на Оксе//ИМКУ, 1992. № 26. С. 46—49.

Юнон-Бақтрия шоҳлари ҳукмронлиги даврида ўз тараққиётида янги босқичларга кўтарилиб, у том маънодаги шаҳарга айланади. Шаҳар бу даврда 10 га ортиқ майдонни ишғол этган ва у шимолий Бақтриянинг энг йирик шаҳарлари қаторидан жой олган³. У Юнон-Бақтрия давлатининг шимолий ҳудудларидаги ҳарбий таянч шаҳри бўлиб, у пойтахт йўлидаги асосий кечувни ҳамоя қилган. Тармита-Термиз Юнон-Бақтрия даврида фақатгина пойтахт остонасидаги ҳарбий таянч шаҳар бўлмай, балки шимолий Бақтриядаги энг йирик иқтисодий ва маданий марказ ҳам ҳисобланган. Бу даврда шаҳарда ҳунармандчиликнинг қатор турлари кенг ривожланган бўлган. Узаро товар алмашув жараёнида танга пулларнинг ўрни сезиларли бўлган. Шаҳарнинг иқтисодий ҳаётида ташқи савдонинг аҳамияти анча салмоқли бўлган. Топилмаларга қараганда, Тармита-Термиз бу даврда шимолигарбий Ҳиндистон шаҳарлари билан яқиндан савдо ва маданий алоқаларни ўрнатган. Шаҳарнинг Юнон-Бақтрия давлати таркибида бўлиши, бу ерда маданий интеграцион жараёни янада уйғунлашувига олиб келди. Шаҳар аҳолиси эллин ва ҳинд маданияти анъаналари билан яқиндан танишиб, ўзларининг эстетик қарашлари ва маҳаллий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ижодий таҳлил қилдилар ва ўз ҳаётларига мослаштирдилар.

Тармита-Термиз илк бор ўз тараққиётининг энг юқори босқичга кушонлар салтанати ҳукмронлиги даврида кўтарилди (I—IV асрлар). Бу даврда шаҳар 350 га дан ортиқ майдонни ишғол этган бўлиб, у шимолий Бақтриянинг энг катта шаҳари даражасигача кўтарилган⁴. Шаҳар шимолий Бақтриянинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва мафкурый марказига айланди. Бу даврда шаҳарнинг асосий қисми янги мудофаа иншоотлари билан ўралган. Шаҳарда кўплаб янги маҳобатли ва ҳашаматли бинолар бунёд этилган. Бу бинолар шаҳар кўркига кўрк қўшиб, унинг салоҳиятини янада оширган. Биноларни безатишда мажаллий услублардан ташқари эллин ва ҳинд меъморчилик анъаналаридан кенг фойдаланилган. Кушонлар салтанати ҳукмронлиги даврида шаҳар ҳаётининг турли соҳаларида жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, бу даврда шаҳар иқтисодиёти негизини ташкил этган ҳунармандчилик соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Ҳунармандлар ўзлари тайёрлаган маҳсулотларнинг турларини кўпайтиришган, уларнинг сифатини янада оширишга муваффақ бўлдилар. Айниқса, ҳунармандчиликнинг кулолсозлик, металлсозлик, тўқимачилик, тоштарошлик ва заргарлик соҳалари ўз тараққиётларида янги сифат босқичига кўтарилдилар. Шаҳар ҳунармандлари томонидан тайёрланган маҳсулотлар, фақатгина эҳтиёж моллари бўлмай, балки уларнинг маълум қисми бадний санъат намунаси ҳам бўлган. Буни бежирим қилиб ишланган ва турли нақшлар билан

³ Пидяев Ш. Р. Термез греко-бактрийского времени в свете новых археологических раскопок // ОНУ. 1998. № 10—11. С. 48—53.

⁴ Массон М. Е. Городища Старого Термеца и их изучение // Труды ТАКЭ. Т. 1. Ташкент, 1940. С. 69—84; Ставский Б. Я. Кушанская Бактрия: проблемы истории и культуры. М.: Наука, 1977.

безатилган сопол идишлар мисолида ҳам, қурол-яроғларда ҳам, заргарлик буюмлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кушонлар даврида шаҳарнинг иқтисодий ҳаётида савдо-сотиқни аҳамияти янада кўтарилган. Маълумки, кушон шоҳлари ички ва ташқи савдони фаоллаштириш мақсадида олтин ва мисдан турли қийматдаги тангаларни зарб қилинишини йўлга қўйганлар. Кушон шоҳлари томонидан зарб қилинган тангаларнинг қадимги Термизда кўплаб топиллиши танга пулларнинг шаҳар иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигидан, товар айирбошлашда танга асосий воситачи бўлганлигидан далолат беради. Бу даврда танга пулга асосланган товар айирбошлаш олдинги даврларга нисбатан бир неча бор кўпайган. Бу даврда ички савдо билан бир вақтда ташқи савдонинг шаҳар ҳаётидаги ўрни ҳам жуда нуфузли бўлган. Топилмаларга қараганда, шаҳар бозорида турли мамлакатлардан келтирилган молларни учратиш ва харид қилиш мумкин бўлган. Шаҳарда, айниқса Ҳиндистондан келтирилган зеб-зийнат буюмларга эҳтиёж юқори бўлган. Тармита-Термиз дарё савдосини ҳам яхши йўлга қўйган. Шаҳар портидан катта-кичик қайиқлар дарёнинг юқори ва қуйи оқимида жойлашган шаҳарларга турли товарларни олиб бориб сотганлар. Бу даврда Тармита-Термизнинг дарё орқали қадимги Хоразм шаҳарлари билан бўлган савдо алоқалари айниқса уйғун бўлган.

Тармита-Термизнинг кушонлар ҳукмронлиги давридаги шон-шўратига, уни узоқ ўлкаларда танилишига бу ерда жойлашган буддавийлик ибодатхоналар ва будда қоҳинларининг фаолияти катта таъсир кўрсатди⁵. Маълумки, кушонлар даврида бутун салтанат ҳудудларида, шу жумладан Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида буддавийлик дини кенг тарқалган эди. Бу минтақада буддавийларнинг энг йирик маркази Тармита-Термиз шаҳрида жойлашган. Буддавийларнинг шаҳардаги жамоаси маҳаллий аҳолининг кенг ёрдами, бевосита иштироки, шаҳар маъмуриятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши натижасида бу ерда буддавийларнинг йирик марказини қарор топишига эришдилар. Бу нарса буддавийлик динининг шаҳар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти нуфузли эканлигидан, буддавийлик ақидаларининг шаҳар аҳолисининг кўпчилиги томонидан қабул қилинганлигидан ва уни қўллаб-қувватланганликларидан гувоҳлик беради. Айнан шу нарса шаҳарда ўзига хос бўлган ҳашаматли ва маҳобатли Қоратепа буддавийлик мажмуасини, Фаёзтепа ибодатхонасини, Зурмала меъморнал иншооти-ступани барпо этилишига замин бўлди. Эътиборли томони шундаки, бу ерда «Шоҳ ибодатхонаси» ва шоҳларнинг яқин кишилари томонидан қурилган ибодатхоналар ҳам мавжуд бўлган. Ўз даврда шаҳардаги буддавийлик иншоотлар жуда гўзал ва мазмунли суратлар, лой, ганч ва тошдан тайёрланган турли ҳайкаллар билан безатилган бўлган. Улар асосан буддавийлик дини билан боғлиқ бўлган образлар бўлиб, улар жуда катта маҳорат билан ишланганлар. Расм ва ҳайкаллар ибодатхоналарга ўзига хос кўркемлик, улғувор-

⁵ Ставиский Б. Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. М.: Восточная литература, 1998. С. 23—52.

2091

лик ифода этиш билан бирга уларга қандайдир плохий сирлилик бахш этган. Бу нарсани ибодатхоналарда топилган суратлар ва ҳайкаллар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Фаёзтепадан топилган Будданинг муқаддас Бодхи дарахти тагида ўтирган тошдан таралган ҳайкали, боддхисатванинг ганчдан ишланган ҳайкали, донаторларнинг деворга ишланган расми ёки Қоратепадан топилган Будда ва қоҳинларнинг девордаги суратлари, лой, ганч ва тошдан ишланган Будда, боддхисатва, донаторларнинг, фил ва шерларнинг, ғайриоддий қушларнинг ҳайкаллари ибодатхоналарга ўзига хос мазмуни, кўриниш касб этган. Уларнинг ҳар бири ноёб ва бетакрордир. Улар инсонни мафтун этиб, мозий сари чорлайди. Шубҳасиз, ибодатхоналардаги расмларни чизган рассомлар, ҳайкалларни тайёрлаган ҳайкалтарошлар ўз замонасининг энг етук ва машҳур санъат соҳибни бўлганлар. Улар яратган ноёб асарлар ўзларининг бетакрорлиги билан инсонни ҳайратга солади ва улар шубҳасиз жаҳон маданияти хазинасида муносиб ўрин эгаллайдилар. Бу топилмалар кушон маданиятини, хусусан кушон даври Бақтрия маданиятини шаклланишида ва ривожланишида Тармита-Термизлик рассом ва ҳайкалтарошларнинг ўрни беқиёс юқори бўлганлигидан, шаҳарда кушонлар даврида ўзига хос анъана ва йўналишларга эга бўлган бадний мактаб қарор топганлигидан далолат беради. Бундай мактабни қарор топиши, Бақтрия ва шу жумладан, Тармита-Термиз маданий ҳаётида юз бераётган интеграцион жараён билан узвий боғлиқ бўлиб, унда ҳинд-буддавийлик маданий анъаналарнинг таъсири қисман кучлироқ бўлган. Қоратепа ва Фаёзтепа ибодатхоналарида топилган расм ва ҳайкалларнинг асосий қисми ўзида буддавийлик динининг фалсафий қарашларини мужассамлаштирган. Рассом ва ҳайкалтарошлар мавжуд диний-фалсафий қараш ва нормалардан келиб чиққан ҳолда яратилаётган образларнинг ҳаётни жўшқинлигининггина эмас, балки уларнинг маънавий ва руҳий баркамоллигини ҳам ифода этишга ҳаракат қилганлар. Шу билан бирга Тармита-Термизлик рассом ва ҳайкалтарошлар олдида дунёвий образларни яратишда кенг ижодий изланишлар учун йўл очиб бўлган ва шунинг учун бу образлар ўзларининг ҳаётнилиги билан ажралиб туради. Бунда рассом ва ҳайкалтарошлар яратилаётган ҳар бир образнинг индивидуал кўринишини ҳаққоний ифода этишга ҳаракат қилганлар. Тармита-Термиздаги Қоратепа, Фаёзтепа, Зурмала каби буддавийлик иншоотларининг ўрганилиши Урта Осиёга буддавийлик динини кириб келиш вақтини ва тарқалиш йўллари оидинлаштириш имконини берди. Хусусан, бугунги кунда Тармита-Термиз, Айртон, Далварзинтепа ва бошқа маълум буддавийлик, ёдгорликларнинг таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, буддавийлик дини Урта Осиёга Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий ҳудудларидан — Гандхарадан Ҳиндикуш тоғлари оша Бақтрияга тарқалган. Тармита-Термиз аҳолиси илк бор буддавийлик дини билан милотдан олдинги биринчи асрдаёқ танишган деб ҳисоблаш мумкин. Милотнинг биринчи асрида эса шаҳардаги буддавийлик жамоа кўпчилигини ташкил этган бўлиб, у шаҳарнинг маданий ва мафкурый ҳаётида фаол иштирок эта бошлаган. Илк монументал ибодатхоналарнинг шаҳарда барпо этилиши ҳам шу даврга

тўғри келади. Буддавийликни шаҳарда энг гуллаб яшнаган вақти II—IV асрлар билан аниқланади. Бу даврда Тармита-Термиз буддавийлик динини Шарқга, хусусан, Шарқий Туркистон ва Хитойга тарқалишида ўзига хос ретрансляторлик вазифасини бажарди. Буддавийлик миссионерлар Буюк Инак йўлининг Амударё бўйлаб ўтган тармоғи орқали Шарқий Туркистонга ва сўнгра Хитойга борганлар ва у ерларда буддавийлик динини кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилганлар. Бу ерга келган миссионерларнинг кўпчилиги Тармита-Термиз буддавийлик ибодатхоналарида сабоқ олганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Улар орасида буддавийлик ақидаларини мукаммал билганлари ҳам кам бўлмаган. Улар буддавийлик ақидаларини хитой тилига таржима қилганлар ва уларга изоҳлар ёзганлар. Хусусан, Тибет буддавийлик анъанаси тармиталик машҳур коҳин, буддавийлик ақидаларини билағони, илоҳият соҳиби Дхармамитранинг номини тарихда ёзиб қолдирган. Дхармамитра Тибет буддавийлик тўпламига кирган Винайясутратикига изоҳ ёзган. Тармита-Термиз буддавийлик марказининг Шарқий Туркистон ва Хитой буддавийлик жамоалари билан алоқалари бу ҳудудлардаги буддавийлик иншоотларнинг, баддий маданият топилмаларининг ўзаро ўхшашлигида ҳам ўз ифодасини топган.

Тармита-Термиз буддавийлик ёдгорликларининг ўрганилишини яна бир катта аҳамияти шундаки, бу ерда бақтр, кхарошти, брахма ва ўрта форс ёзувлари билан ёзилган битиклар жуда кўп топилган⁶. Ҳозиргача Бақтриянинг бирор бошқа ёдгорликда бунчалик кўп ёзувлар намунаси топилмаган. Ёзувлар асосан сопол идишларга ва уларнинг синиқларига битилган. Бу топилмалар асосида Қоратепеда «Шоҳ ибодатхонаси», «Қидара ўғлининг ибодатхонаси» борлиги аниқланди, ибодатхонада яшаган айрим машҳур коҳинларининг исмлари маълум бўлди, буддавийлик жамоаларининг ички ҳаётининг айрим томонларини ёритиш имконини берди. Мазкур топилмалар ёзувлар тарихи ва палеографиясини ўрганишда қимматли манба ҳисобланадилар. Бундан ташқари, бу ёзувлар Бақтриянинг маданий алоқалари тўғрисида сўз юритиш имконини берди. Маълум бўлишича, бу ерда энг кўп кхарошти ёзувлари учраган. Бу ҳол Бақтрияни Ҳиндистон билан алоқалари чуқур ва серқиррали эканлигидан далолат бериши билан бирга, шаҳардаги буддавий жамоа аъзолари буддавийларининг Махасангхика мактабига мансуб эканлигидан гувоҳлик беради.

Кушон салтанатининг инқирози, сосонийлар Эронини тинмай олиб борган босқинчилик юришлари ва жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар Тармита-Термиз шаҳрининг ривожига катта салбий таъсир кўрсатди. Шаҳар ҳаёти ва шаҳар маданияти таназзулга юз тутди. Шаҳар аҳолисининг маълум қисмини қишлоқларга кўчиб кетиши, ҳунармандчиликни инқирозга учраши натижасида Тармита-Термиз қисқа вақт ичида кичик бир шаҳарга айланиб қолди. Сиёсий беқарорлик, кучли марказий ҳокимиятнинг йўқлиги сабабли

⁶ Вертоградова В. В. Индийская эпиграфика из Кара-тепе в Старом Термезе. Проблемы дешифровки и интерпретации. М.: Восточная литература, 1995.

милоднинг V асрларида Термиз атрофидаги ерларни бирлаштирган ҳокимлик вужудга келади. Бу ҳокимлик 689 йилгача ҳукм сурган бўлиб, унинг маркази Термиз шаҳрида бўлган. Бу ҳокимлик ярим мустанқил бўлган сиёсий ва иқтисодий статусга эга бўлиб, у аввал эфталитлар давлати (V—VI асрлар) сўнгра турк ҳоконлиги (551—744 йиллар) таркибига кирган. Араб манбаларига қараганда, ҳокимлик Термиз шоҳлари томонидан бошқарилган бўлиб, улар мис тангалар зарб қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Термиз шоҳлари томонидан зарб қилинган тангаларнинг бир томонида ҳоким, иккинчи томонида лангар тасвирланган. Бу ҳол шаҳарни ҳали ҳам Амударё бўйидаги йирик порт шаҳари ҳисобланганлигини ва лангар шаҳар рамзига айланганлигини кўрсатади. Лекин Термиз ҳокимлик маркази ва Амударёда жойлашган йирик порт шаҳри бўлишига қарамай, барибир кушонлар давридаги қиёфасини тиклай олмади. У ҳамон кичик бир вилоят шаҳари бўлиб қола берди. Ваҳолонки, қўшин Чагоний шаҳри бу даврда тез суръатлар билан ривожланган эди. 630 йилларда Хитой сайёҳи Сюань Цзянь ўз сафари давомида Тами шаҳрида (Термиз — Ш. П.) бўлган ва уни катта бўлмаган шаҳар сифатида тилга олган. Сюань Цзяннинг ёзишича, шаҳарда 10 дан ортиқ буддавийлик ибодатхоналари ва ступалар бўлиб, уларда 1000 яқин қўшнлар яшаган.

Милоднинг 689 йилида исёнкор араб лашкарбошиси Мусо ибн Абдуллоҳ Термиз шаҳрини эгаллаб олади ва уни 15 йил давомида ўз тасарруфида ушлаб туради. Бу йилларда Мусо ибн Абдуллоҳ халифанинг Мовароуннаҳрдаги солиқ йиғувчиларини ҳайдаб юборишга муваффақ бўлади ва шундан эътиборан тўпаланган солиқлар Термиз хазинасига келиб туша бошлайди. 704 йилда араб халифалиги, турк ҳоконлиги ва маҳаллий ҳокимликларнинг бирлашган қўшинлари Мусо ибн Абдуллоҳ қўшинини тор-мор қиладилар ва шаҳарни эгаллаганлар. Шундан сўнг Термиз арабларнинг шимолий Тоҳаристондаги ҳарбий таянч шаҳрига айланади. Араб халифалиги ҳукмронлиги даврида шаҳарнинг ижтимоий, маданий ва мафкуравий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй беради. Шаҳар аста-секин ривожланиб, ўрта аср Ўрта Осиё шаҳарларига хос қиёфага кира бошлайди. Марказлашган, кучли маҳаллий давлатларни вужудга келиши эса бу жараёни янада тезлаштирди. Натижада Термиз IX асрга келиб том маънодаги ўрта аср шаҳарига айланди⁷. У уч қисм: арк, шаҳристон ва рабоддан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири махсус мудофаа иншоотлари билан ўралган бўлган. Манбаларда қайд қилинишича, ҳоким саройи шаҳар аркида, жоме масжид, бозор ва зиндон шаҳристонда, намозгоҳ масжиди эса рабодда жойлашган экан. Аммо, Термиз ўз тараққиётининг энг юқори босқичига XI—XII асрнинг бошларида кўтарилди. Бу даврда шаҳар тез суръатлар билан ривожланиб, 550 га ортиқ майдонини ишғол этган. Термиз бу даврларда фақатгина муҳим стратегик аҳамиятга молик бўлган

⁷ Массон М. Е. Города Старого Термеза и их изучение. С. 92—104; Шишкин В. А. Историческая топография Старого Термеза // Труды ТАКЭ. Т. I. Ташкент, 1940. С. 123—153.

шаҳар бўлибгина қолмай, балки Тоҳаристоннинг йирик маъмурий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлган. Бу даврда шаҳарда кўплаб маҳобатли маъмурий бинолар, муҳташам масжидлар ва карвонсаройлар қурилган. Шаҳар аҳолисининг уйлари ҳам ўзларининг бежирим кўринишлари билан шаҳарга кўрк бериб турганлар. Шаҳар маъмурияти шаҳарнинг ободончилигига ҳам жуда катта эътибор берганлар. Улар шаҳарликларни ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида, шаҳарнинг ҳамма ҳудудларига ер остидан тоза сув етказиш учун махсус муҳандислик қурилмаларни, шаҳар майдонларида ҳовузлар ва қудуқларни барпо этганлар. Шаҳар бозорлари ва кўчалари пишиқ ёишлар билан териб чиқилган. Шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойи, шубҳасиз, Термиз ҳокимларининг саройи бўлган. Бу сарой шаҳарнинг шарқий қисмида, махсус деворлар билан ўралган боғлар орасида жойлашган бўлиб, у XI асрнинг биринчи чорагида Маҳмуд Ғазнавий томонидан қурилган. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, Маҳмуд Ғазнавий Термизда қорахонийлар хони Қодирхон билан учрашиши керак бўлган. Шунинг учун у Қодирхонга ўз қудратини намойиш этиш мақсадида бу ерда жуда муҳташам ва бой бўлган саройини барпо этишга буйруқ берган. Маҳмуд Ғазнавий ўз мақсадига эришган. Қорахонийлар хони Қодирхон саройнинг серҳашамлигидан ҳайратга тушган. XII асрда сарой қабулхонасининг деворлари ва устунлари бошдан оёқ жуда мураккаб характердаги ўйма ганч билан безатилган. Нақшлар геометрик, баргсимон, эпиграфик ва ғайриоддий ҳайвонлар кўринишида бўлганлар. Одатда турли характердаги нақшлар бу ерда бирга учрайдилар. Ганчкор уларни шунчалик маҳорат билан жойлаштирганки улар ягона узвий бирликни, композицион жиҳатдан мукамал бўлганлар. Сарой нақшлари орасида шерсимон ва бошқа ғайриоддий ҳайвонларнинг тасвирлари алоҳида ўрни эгаллайди. Бу образлар исломгача бўлган даврдагидек ҳаққоний ва ҳаракатда ифода этилмай, балки шартли услубда тасвирланган бўлсалар ҳам улар жуда таъсирчан бўлиб, инсон эътиборини ўзига жалб қилади. Улар қабулхонанинг байрамона қиёфасига ўзига хос сирлилиқ бахш этган. Умуман, бу ердаги нақшлар қабулхонанинг меъморий кўриниши билан узвийлик топиб, унинг ҳашаматлилигини, улуғворлигини, ва тантанаворлигини оширган. Ушбу нақшларни тайёрлаган рассомганчкор, шубҳасиз, моҳир санъат соҳиби бўлиб, у ўз ҳунарини мукамал эгаллаган. Бу нарса нақшларнинг ишланиш технологиясида ва услубида, уларнинг сермазмун ва серқирраллигида ва ниҳоят умумий композицион ечимларни тўғри жойлаштиришда ҳам ўз ифодасини топган. Ҳозиргача бу даврга оид Урта Осиё меъморчилигида бунчалик нозик, чиройли, сержило ва баркамол бўлган ўйма ганч намунаси маълум эмас.

Бу даврга оид шаҳарнинг диққатга молик биноларидан яна бири, улуғ зот, сўфийларнинг «ҳакимия» мазҳабининг асосчиси, шаҳарнинг пири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад, бин Али, бин Ҳусайн, ал-Ҳаким Термизий қабри устига қорахонийлар хони Аҳмад бин Хизр томонидан 1091—1095 йилларда бунёд этилган мақбара ва унинг шимолий томонидан бир оз кейинроқ қурилган очиқ айвонли масжиддир.

2001

Масжид ва айниқса, мақбаранинг деворлари ва гумбазнинг ички қисми ўта ноёб ўйма ганч билан безатилган. Бу ерда куфий ёзувлар «ислими» ва «ғирих» услубида безатилган ўйма нақшлар бир-бирлари билан ғоятда моҳирлик билан қўшилиб ишланган ва композицион жиҳатдан улар баркамолдирлар.

XI—XIII аср бошларида олиб борилган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари шаҳар ҳунармандчилиги тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлган. Бу даврда ҳунармандчилик тез суръатлар билан ривожланиб, шаҳар иқтисодий асосини ташкил этди. Бу даврда ҳунармандчилик марказлари, асосан, шаҳарнинг рабод қисмида жойлашган эди. Шаҳардаги мавжуд ҳунармандчилик соҳалари орасида кулолчилик ўзининг тараққиёти ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг миқдори билан биринчи ўринда турган. Айниқса, кулолчиликни ривожланишига сирларни кашф этилиши катта таъсир кўрсатди. Шаҳарда тайёрланган сопол идишларининг жуда катта қисмини сирланган идишлар ташкил этган. Бу идишлар ўзларининг юқори сифати, бежирим шакли ва ғоятда ранг-баранг нақшлари билан ажралиб турган. Бадийлик жиҳатдан геометрик, зооморф ва ёзувли нақшлар билан безатилган сирли идишлар алоҳида ажралиб турганлар. Уларнинг кўплари фақатгина кундалик эҳтиёж моллари бўлибгина қолмай, балки ноёб санъат намунаси ҳам ҳисобланганлар. Бу борада X—XI асрларда тайёрланган сирланган сопол идишлар алоҳида ўрин эгаллайдилар. Шаҳар кулолчилигида сирланмаган сопол идишларининг ҳажми ва сифати кўпроқ XII асрда ошган. Айниқса, бронза идишларга тақлид қилиб тайёрланган ва қолипда қўйилган сирланмаган сопол идишларга шаҳар аҳолисининг эҳтиёжи жуда баланд бўлган. Одатда, бу сопол идишлар жуда чиройли нақшлар билан безатилган. Ҳозир қадимги шаҳарнинг бир неча жойларида кулолчилик маҳаллалари қайд қилинган. Маълум бўлишича, бу маҳаллаларнинг ҳар бирида алоҳида турдаги сопол идишлар тайёрланган экан. Бу нарса Термиз кулоллари орасида бу даврда тор ихтисослик кенг тараққий қилганлигидан гувоҳлик беради. Бир гуруҳ кулоллар сирланган, иккинчилари сирланмаган кўзаларни, учинчилари симоб кўзачаларни, тўртинчилари эса қозон, хум, тоғора каби йирик идишларни тайёрлашга ихтисослашганлар. Бу нарса шаҳарда кулолчиликни жуда тараққий қилганлигининг бир ифодасидир.

XI—XIII аср бошларидаги Термиз ҳунармандчилиги орасида шишасозлик алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки, шишасозлик ҳунармандчилик соҳалари орасида энг «ёши» ва шу билан бирга фақат шаҳар ҳунармандчилиги ҳисобланган соҳадир. Бу даврда Термиз шишасозлари ўз маҳсулотларини сифатини яхшилаш билан бирга, уларни турларини кўпайтиришга ҳам муваффақ бўлдилар. Термиз шишасозлари томонидан тайёрланган идишлар ўзларининг бежирим шакллари, шишаларнинг ранг-баранглиги ва таниқлиги билан ажралиб турган. Шаҳар аҳолиси орасида, айниқса, шишадан тайёрланган турли графинлар, қадаҳлар, ликобчалар, бутилкасимон идишлар, турли шаклдаги ва ҳажмдаги атторлик идишлари эъзозланган ва уларга талаб юқори бўлган. Термиз шишасозлари Урта Осиёда биринчилар қатори-

да панжаралар учун махсус шишаларни тайёрлашни йўлга қўйишган.

Металлсозлик ҳам бу даврда тез суръатлар билан ривожланди. Шаҳарнинг жанубий қисмида йирик металлсозлик маҳалласини вужудга келиши бу фикрни тўғрилигини кўрсатади. Металлсозлар орасида ҳам бу даврда тор ихтисослик кенг тарқалган бўлган. Темирчилик шаҳарнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрни эгаллаган. Шаҳар темирчилари михдан тортиб, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган қуролларгача ясашган.

Шаҳарда қуролсозлик ҳам кенг тараққий қилган бўлган. Маълумки, металлсозликни бошқа йўналишлари орасида қуролсозлик бир оз кўпроқ улуғланган. Чунки, қуролсозлик ҳунарманддан маълум иқтидорликни ва маҳоратни талаб қилган. Термизнинг муҳим стратегик аҳамиятини ва шу сабабли бу ерда катта қўшни сақлапишнинг инобатга олсак, Термиз қуролсозларининг маҳсулотига ҳамниша талаб юқори бўлганлигини қайд қилиш мумкин. Топилмаларга қараганда, термизлик қуролсозлар узун қилчлар, ханжарлар, совут ва қалқонлар тайёрлашган.

Бу даврда шаҳарда мисгарлик ҳам яхши ривожланган бўлган. Шаҳар мисгарлари турли мис қозонлар, шамдонлар, ҳовончалар, кўзалар, сурмадонлар ва кўплаб бошқа нарсаларни тайёрлашган. Мис идишларнинг маълум қисми жуда чиройли қилиб безатилган бўлган. Топилмалар Термиз мисгарларининг юксак маҳоратларидан гувоҳлик бермоқда. XII асрда яшаган бир термизлик моҳир мисгарнинг номи мисдан тайёрланган қозонда қайд қилинган. Қозонда «Абдулраззоқ томонидан тайёрланган» деган сўзлар битилган.

Шаҳарда бу даврда заргарлик ҳам юқори ривожланган. Топилмаларга қараганда, улар бағоят бежирим, чиройли, гўзал ва нафис бўлганлар. Улар заргарларнинг юксак маҳоратидан сўз очадилар.

Юқорида қайд қилинган соҳалардан ташқари шаҳарда ҳунармандчиликни яна қатор бошқа соҳаси фаоллик кўрсатган. Улар ҳам шаҳарнинг иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаганлар. Хусусан, бу борада тўқимачиликни, гиламчиликни, кўнчиликни ва қайиқсозлик-каштибананларни қайд қилиш мумкин.

Шаҳарнинг иқтисодий ҳаётида ички ва ташқи савдонинг ўрни жуда юқори бўлган. Шаҳар хазинасига тушадиган даромаднинг катта қисмини айнан савдодан келиб тушган фойда ҳосил қилган. Бу даврда шаҳардаги товар айирбошлаш ва бошқа ҳамма олди-сотди ишлари танга пуллар орқали бажарилган. Ички савдо асосан мис тангалар-фельслар ва қисман кумуш тангалар-дирҳамлар воситасида олиб борилган. Бу тангалар асосан шаҳар зарбхонасида зарб қилинган бўлган. Шаҳар бозорларида ҳунармандлар ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни олиб чиқиб сотганлар ва керак бўлган маҳсулотларни харид қилганлар. Табиийки, шаҳарда тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотларининг бир қисми бевосита шаҳар аҳолисининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган бўлса, иккинчи қисми шаҳар атрофидаги қишлоқ ва қўшни чорвадор қабилаларнинг талабини қондиришга мўлжалланган. Ўз навбатида шаҳарликлар улардан қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотларини харид қилганлар.

Термизни вилоятаро ва халқаро савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашганлигини ижобий кўринишлари бу даврда айниқса кўзга яхши ташланди. Шаҳардан савдо карвонлари дунёнинг турли томонига йўл олганлар. Термиз кечуви бу даврда Амударёдаги энг қулай кечувлардан ҳисобланган. Шаҳар маъмурияти савдогарлар учун бу ерда ҳамма қулайликларни яратиб беришга ҳаракат қилганлар. Шаҳарда ўнлаб маҳсуе карвонсаройлар бўлган. Ибн Хаукалнинг қайд қилишича, Термиз карвонсаройлари жуда серҳашам ва улар катта даромад келтирганлар⁸. Эътиборли томони шундаки, Ибн Хаукалнинг бу сўзлари Термизда олиб борилган тадқиқотлар давомида тўлиқ тасдиқланмоқда. Шаҳар рабонида очиб ўрганилган карвонсарой харобаси ўзининг маъмурий тархи ва бой ички кўриниши билан ажралиб туради⁹. «Худуд ал-Алам» асарининг номаълум муаллифи Термизни Чағонбён ва Хутталонни савдо маркази бўлган деб қайд қилган¹⁰. Термиздан бу даврда фақатгина қуруқлик орқали савдо карвонлари жўнамаган. Мақдисиининг ёзишича, Термиз Амударёдаги энг йирик порт шаҳри бўлган ва унга қайиқлар ҳар томондан тўхташи мумкин бўлган¹¹. Термиз вортидан турли товарларни ортган катта-кичик қайиқлар дарё бўйлаб юқорига ва қуйи оқимига, қадимги Хоразмгача сузиб борганлар.

Термизнинг транзит савдо чорраҳасида жойлашганлиги, ўзида тайёрланган маҳсулотларни узоқ ўлкаларга етказиш учун ҳам қўл келган. Мақдисиининг қайд қилишича, бу даврда Термиз шарқ табоатида асаб ва тутқаноқ касалликларига қарши ишлатиладиган ассафетиди моддасини савдо қилган¹². Бундан ташқари бу моддани шарқ халқлари таом ва ичимликларга хуш таъмлик беришда кенг фойдаланганлар. Бу моддани узоқларга етказишга термизликлар «симоб кўзача» деб ном олган идишлардан фойдаланишган. Дарҳақиқат бундай идишлар Термизда бошқа шаҳарларга қараганда бир неча баробар кўп учрайди. Термизда бу идишларни тайёрлайдиган маҳсуе маҳаллалар ҳам бўлган. Бу нарса Термиз ассафетиди моддасини четга қанчалик кўп савдо қилишишининг бир ифодасидир. Термиз ассафетидидан ташқари четга катта миқдорда ҳушбўй совунлар ҳам жўнатган¹³. Термизда тайёрланган совунларининг ҳидлари жуда хушбўй эканлигини «Худуд ал-Алам» асарининг номаълум муаллифи ҳам қайд қилган¹⁴. Термиздан четга чиқарилган моллар орасида катта-кичик қайиқлар ҳам бўлган. Термиз

⁸ Ибн Хаукал. *Vitae et regni. Descriptio ditonis moslemicae auctore Abul-Fazl ibn Haukel*. Ed. M. J. de Goeje. Lugduni Batavorum//1878 (BGA.П.). P. 454.

⁹ Раҳманов У. В., Пилдаев Ш. Р. Раскопки караван-сарая в рабате средневекового Термеза/ИМКУ. Вып. 23. Ташкент, 1989. С. 60—69.

¹⁰ *Hudud al Alam. The regions of the World a persian geography/Translated and explained by V. Minorskyo. Sekond edition. London, 1970. P. 114.*

¹¹ Мақдиси. *Descripti imperii moslemici auctore Schamsod-din Abu Abdallah Mohammed ibn abu Bechr al Binnif al Basschar al Mokaddas. Ed M. J. Goeje, Lugduni Batavorum. 1877/Ed. 2. 1906. BGA, III. P. 291.*

¹² Мақдиси. *Descripti imperii moslemici auctore...* P. 324.

¹³ Мақдиси. *Descripti imperii moslemici auctore...* P. 325.

¹⁴ *Hudud al Alam. The regions of the World a persian geography...* P. 109.

қайиқлари ўзларининг мустақамлиги билан бошқа шаҳарларда тайёрланган қайиқлардан фарқ қилган¹⁵.

Шаҳарнинг кейинги тараққиёти ва уни янада гуллаб-яшнашига мўғул-татар босқинчиларининг юришлари чек қўйди. Жувайнийнинг ёзишича, Чингизхон бошчилигидаги мўғул-татар қўшинлари 1220 йилнинг кузида Термиз остонасида тўсатдан пайдо бўлади. Шунинг учун шаҳар аҳолиси мудофаага яхши тайёргарлик кўришга улгурмайди. Шундай бўлса-да, улар Чингизхонга қарши жанг қилишга жазм қилдилар. Чингизхон шаҳар аҳолисини таслим бўлишга ва мудофаа деворларини бузиб ташлашга чақиради. Лекин шаҳар аҳолиси шаҳар қалъасининг мустақам мудофаа деворларига ишониб Чингизхон қўшинига қаттиқ қаршилиқ кўрсатадилар. Шаҳар мудофаасининг 11-кунни мўғул-татар қўшинлари шаҳар ҳимоячиларининг қаршилигини синдириб, шаҳарни эгаллашга муваффақ бўладилар. Термизликларнинг қаттиқ қаршилиқ кўрсатганлигидан ғазабланган Чингизхон ўз лашкарларига шаҳарни талашга, унга ўт қўйишга, уни ер билан яқсон қилишга буйруқ берган. Шаҳар тарихидаги бу мудҳиш кунлар излари шаҳар харобаларида ҳозиргача сақланиб қолган. Термиз ўз ҳимоячиларининг мардонавор кураши, шон-шўхрати ва жасорати эвазига «эрлар шаҳри» деган абадий васф олди. XIV асрдан эътиборан ёзма манбаларда Термиз «эрлар шаҳри» деган васф билан қайд қилина бошланди. Бу ном тангаларда ҳам зарб қилинган.

Мўғул-татар босқинидан сўнг эски шаҳарда ҳаёт қайта тикланмади. Лекин, маълум вақт ўтгач, янги шаҳарга эски шаҳардан шарқ томонда асос солинди. Бу шаҳар тез суръатлар билан ривожланиб, араб сайёҳи Ибн Баттутанинг гувоҳлик беришича, XIV асрнинг бошларидаёқ Термиз катта шаҳарга айланган. Шаҳарда кўплаб боғлар ва чиройли бозорлар мавжуд бўлган¹⁶.

¹⁵ Мак дн си. Descripti imperii moslemici austrore... P. 325.

¹⁶ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Урта Осиёга саёҳати. Тошкент, 1993, 76-бет.

Ж. Мирзо

ТЕРМИЗ УЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА МАДАНИЯТИ ТИМСОЛИ СИФАТИДА

Шаҳарлар ҳар доим ўз даврларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ютуқларининг мужассамлашган тимсоллари бўлиш билан бирга, давлатчилик тузилишининг асосий бўғинини ташкил қилган.

Инсоният тарихининг энг қадимги даврлариданоқ Термиз ҳудудида ҳаётнинг изларини кузатиш мумкин. Шаҳар ҳудудида юқори палеолит даврига оид тош қурооллар топилган¹. Лекин ўша ва ундан кейинги энг қадимги даврлар маданий қатлами доимий инсон фаолияти оқибатида сақланмаган.

¹ Бақтрия-Тоҳаристон қадимда ва ўрта асрларда. Самарқанд 1993. 5-бет.

Ўзбекистондаги энг қадимги паҳса ва хом фишдан қурилган қишлоқларнинг қолдиқлари Сурхондарё ҳудудида топилган. Шаҳарларнинг маданияти ҳам Термиз ҳудудида жуда эрта шаклланди. Шаҳарларнинг ривожланиш жараёни ўзаро узвий боғланган босқичлардан иборат. Дастлаб, милоддан аввалги икки минг йилликнинг ўрталарида Жаркўтон сингари илк шаҳарлар вужудга келди. Сўнгра милоддан аввалги бир минг йилликнинг биринчи ярмида Қизилтепа, Жондавлаттепа каби қадимги шаҳарлар пайдо бўлди. Ниҳоят милоддан аввалги бир минг йилликнинг ўрталарида Термиз ва Далварзин шаҳарлари шаклланди². Бу жараён ибтидоий жамоа муносабатларининг емирилиши, синфларнинг пайдо бўлиши ва илк давлатларнинг шаклланиши билан тавсифланади³.

Илк шаҳарлар ўзларига хос митти давлатларни ташкил қилган бўлса, милоддан аввалги бир минг йилликнинг биринчи ярмида Марказий Осиёда йирик давлатлар пайдо бўлди. Улардан бири ҳозирги Сурхондарё, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистонни бирлаштирган Бақтрия давлати эди. Юнон ёзма манбаларида Бақтрия минг шаҳарли ўлка сифатида қайд қилинади. Улардан бири бўлган Термизнинг шаклланиши милоддан аввалги бир минг йилликнинг ўрталарига бориб тақалади⁴.

Милоддан аввалги VI—IV асрларда Бақтрия Аҳамонийлар давлатига сиёсий жиҳатдан қарам бўлган. Аҳамонийларнинг босқинчилик юришлари даврида маҳаллий аҳоли душманга ён бериб, ўзининг маданиятини сақлаб қолган. Термизда, дастлаб эски шаҳарнинг арки остида, кейинчалик, шаҳарнинг бошқа қисмларида қадимги Бақтрия даври сопол парчалари топилди⁵. Натижада милоддан аввалги бир минг йилликнинг ўрталарида Термиз ҳудуди кенг ўзлаштирилганлиги тасдиқланди.

Милоддан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёга Александр Македонский бошчилигидаги юнон босқинчилари кириб келишди. Илмий адабиётда Термизнинг шаклланишини Александр Македонский номи билан боғлаш азалдан расм бўлган.

Айрим тадқиқотчилар Александр Македонский томонидан Амурдарё-Оксда бунёд этилган Александрияни Термиз билан уйғунлаштиришган. Илмий донрларда қандай мулоҳазалар билдирилмасин, Термиз юнонлар босқинига қадар бўлганлиги ўз исботини топган. Александр Македонский минтақани босиб олгандан сўнг, Термизнинг қулай стратегик жойлашувига катта аҳамият бериб, шаҳарни юнонларнинг таянч пунктига айлантирганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Александр Македонский вафотидан сўнг Бақтрия юнон лашкарбошиси Салавк томонидан асос солинган Салавскийлар давлатига кирди. Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарида Салавскийларнинг

² Уша асар. 10—11-бетлар.

³ Уша асар. 13—15-бетлар.

⁴ Пидяев Ш. Р. Материалы к изучению древнейшей истории Термеза//ОНУ. 2000. № 3. С. 51—53.

⁵ Шайдуллаев Ш. Р., Айнаева Т. Д. Два новых пункта раннежелезного века на юге Узбекистана//ОНУ. 1989. № 5. С. 31—34.

Бақтриядаги сатрапи Диодат маҳаллий аҳолининг ёрдамида мустақил юнон-бақтрия подшолигига асос солди. Шимолий Бақтриянинг йирик савдо марказига айланган Термиз бу даврда ғарбий ва шимоли-ғарбий йўналишда кенгайди. Шаҳар ҳудудидан топилган тангалар товар-пул муносабатларининг ривожланганлигидан далолат беради⁶. Бу даврда Термизда, умуман жанубий Ўзбекистон ҳудудида пул муомаласи кенг ёйилди. Натижада Термиз ҳудуди иқтисодий ривожланишда Марказий Осиё минтақасида етакчилик қилди.

Кушон подшолари буддавийликнинг Махаяна мазҳабини қабул қилишди. «Махаяна ҳамма учун бирдек улуг йўл» шиори Кушонлар салтанатига кирган халқларни бирлаштириш учун уларнинг эътиқодларини ўзида омухта қилган умумий мафкура асосига айланди⁷. Мазкур жараёнда Термиз шаҳридаги буддавий марказларнинг иштироки катта аҳамият касб этди. Махаяна мазҳаби дини расмий давлат дини мақомига эга бўлиши билан Кушон подшолари уни тарғиб этиш ва кенг ёйиш учун ибодатхоналар қуриб, муқаддас китобларни ўрганиш ва шарҳлаш, янги тавсифлар ёзиш учун шароит яратишди. Термиз ҳудудида ўша даврларда буддавийлик билан боғлиқ кўплаб иншоотлар қурилган. Роҳиблар янги мактабларга асос солишиб, муқаддас китобларни кўчириб, маҳаллий тилларга таржима қилишган. Олимларнинг фикрича, буддавийлик маданияти Термизда маҳаллий таълимотларнинг таъсири остида янги кўриниш ва мазмунга эга бўлган⁸. Ҳамда янги шакл ва мазмундаги буддавийлик Шарқ мамлакатларига ёйилган⁹. Ёзма манбаларда фаолияти буддавийлик динининг ёйилиши билан боғлиқ тармиталик Дхармамитра номи сақланиб қолган¹⁰. Охир-оқибатда буддавийлик диний-ақидавий асослари, маросим руқналари ва амалиёти биқиқ мазҳабчиликдан жаҳон динлари даражасига кўтарилди.

Кушонлар салтанати ўз тараққиётининг энг юксак босқичига кўтарилган даврда Термиз йирик шаҳарга айланиб, унинг майдони 350 гектардан кўпроқ бўлган, аҳолиси эса 50 минг кишидан ортган. Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи Термиздан ўтган. Бу бир томондан шаҳарда савдо-сотиқнинг ривожланишига, иккинчи томондан халқаро алоқаларнинг кенгайишига олиб келди. Термиздаги Қоратепа ва Фаёзтепа ибодатхоналарида топилган деворлардаги ажойиб расмлар, лойдан, ганчдан ва мрамрдан тайёрланган ҳайкаллар бетакрор санъат намуналаридир. Улар Термизнинг маданий марказ ҳам бўлганлигини намоён қилади.

IV—VI асрлар давомида Марказий Осиёдаги сиёсий вазият қай йўсинда ўзгармасин, Термиз буддавийлик маркази бўлиб қолаверди.

⁶ Пидяев Ш. Р. Термез греко-бактрийского времени в свете новых археологических раскопок//ОНУ. 1998. № 10—11. С. 48—53.

⁷ Зоҳидий А. Қадимги буддавий авлиёлар//Фан ва турмуш. 1993. 11—12-сонлар.

⁸ Кавасака Кэндзо. К вопросу толкования тематической росписи из Фаязтепы//Ўзбекистон тарихи. 1999. № 4. С. 33.

⁹ Ртвеладзе Э. В. Проповедники буддизма из стран Трансоксианы в Кйтай//ОНУ. 1993. № 4—5. С. 22—23.

¹⁰ Ставиский Б. Я. Кушанская Бактрия. Проблемы истории и культуры. М., 1977. С. 89.

VII asrning 30-yillarida shaхarga kelgan Сюань Цзань буддавий ибодатхоналар ва роҳиблар ҳақида маълумот қолдирган¹¹. Бу аҳвол минтақага янги мафкура — Исломининг кириб келишигача давом этди.

Ислол таълимотининг шаклланиши жараёнида юзага келган араб халифалиги 651 йилда Хуросонни эгаллагач, Мовароуннаҳрга интила бошладилар. 686—687 йилларда халифа Абдумаликка қарши бўлган Абдуллоҳ ибн Хазмининг ўғли Мусо ибн Абдуллоҳ Термизни эгаллаб, олди.

Мусо ибн Абдуллоҳ Термизда 15 йил халифаликдан мустақил равишда ҳукмронлик қилади. Мовароуннаҳрнинг бутун солиғи Термизга келадиган бўлди. Натижада Мовароуннаҳрда, қисқа муддат мобайнида бўлса-да, пойтахти Термиз бўлган мустақил мусулмон амирлиги вужудга келди¹². Кейинчалик, бутун Мовароуннаҳр каби Термиз ҳам араб халифалигига қўшиб олинган бўлса-да, барибир Ислол ақидаларининг дастлаб шу шаҳарда илдиэ отганлиги сезилиб турди. Ҳали Мовароуннаҳрда Ислол қадриятлари эндигина ёйилаётган шаронгта, VIII асрнинг биринчи ярмида Термиз масжидидаги диний мунозаралар бутун Ислол оламига акс-садо берди¹³. Маънавият ва маърифат борасидаги қадимий анъаналар Ислол даврида янги мафкуравий босқичга ўтди. Ислол ақидалари Мовароуннаҳрда янги шакл ва мазмунга эга бўлиб, кучли мафкурага айланди. Бу жараёнда Термиз диний марказ сифатида муҳим роль ўйнади.

Ислол маънавияти тараққиётининг дастлабки даврида, ҳадислар тўпланиб, муҳаддислар томонидан муайян тизимда баён этилди. Ушбу вазифани шараф билан бажарган Исо ат-Термизий ўзидан кейин Абу Бакр Аҳмад ибн Исмоил ибн Омир Самарқандий, Абу Ҳамид Аҳмад ибн Довуд Марвазий, Аҳмад ибн Юсуф Насафий, Хайтом ибн Қулайб Шоший каби шогирдларини қолдириб, бутун Ислол дунёсида ҳадис илмининг ривожланишига ҳиссасини қўшди¹⁴.

IX аср мобайнида тасаввуф назарияси ва амалиёти шаклланди, унда ўша давр фанининг барча ютуқлари жамулжам бўлди¹⁵. Тасаввуф илмида Термиз мактабининг энг машҳур вакили Ҳаким ат-Термизий бўлди. Ҳаким ат-Термизий тасаввуфда назарий муаммоларни ечиш билан бирга, дастлабки тариқатлардан бирига — ҳокимиятга асос солди¹⁶. Аллома саксонга яқин асарлар муаллифи, кўплаб шогирдларининг устози ҳисобланади. Алишер Навоийнинг далолатича, Баҳовуддин Нақшбандий ҳам ўзини Ҳаким ат-Термизийнинг ихлосманлари сафига қўшган¹⁷.

¹¹ Камалиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX—XIII вв. Ташкент, 1996. С. 101.

¹² Табарӣ. История ат-Табари Ташкент, 1987. С. 101—113.

¹³ Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991. С. 64.

¹⁴ Islam Ansiklopediyasi Istanbul. 1974. 12-жилд. 388—389в.

¹⁵ Имом Назаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент, 1996.

¹⁶ Ал-Джуляби ал-Худжвири. Кашф ал-Махджуб. Ленинград, 1926. С. 265.

¹⁷ Муртазаев Б. Алишер Навоий Термизийлар ҳақида//ТерДУ илмий назари. Тошкент, 1999.

IX asr Isлом дунёснда Мовароуннаҳр маънавий марказ бўлиб қолгач, сиёсий ҳаётда ҳам маҳаллий сулолалар иштироки фаоллашиб борди. Улардан бири бўлган Сомонийлар IX асрнинг иккинчи ярмида расман араб халифалигига бўйсунса-да, амалда мустақил сиёсат юрота бошлади. Айрим манбалар Сомонийларнинг келиб чиқишини ўша даврда Термиз билан боғлайди.

X асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда Сомонийлар давлати инқирози жараёнида минтақада янги сиёсий кучлар шакллана бошлади. Сомонийларнинг лашкарбошиси Алптегин Бухорони тарк этиб, 962 йилда Ғазнада ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Унинг вафотидан кейин, Ғазна давлатининг қудрати мустақамланиб борди. Салтанат ҳозирги Афғонистон ва шимолий Ҳиндистон ерларида жойлашган эди. Мовароуннаҳрда эса Қорахонийлар ҳокимияти ўрнатилди. Термиз шу иккала сулола ўртасидаги курашлар гирдобига тортилди. Фақатгина 1008 йилда Балх ёнида Маҳмуд Ғазнавий Қорахонийларни тор-мор этгач, тинчлик ўрнатилиб, Термиз узил-кесил Ғазнавийларга ўтди¹⁸.

XI асрнинг ўрталаридан Термиз Марказий Осиёда ҳукмронлигини ўрнатган Салжуқийлар тасарруфига ўтди, ҳамда унинг ижтимоий-сиёсий марказларидан бирига айланди¹⁹. Салжуқийлар давлати қанчалик кучли бўлмасин, унда беқарор вазият ҳукм сурди. Бу ҳол унинг таркибидаги ҳудудлар тақдирига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Салжуқийларнинг Марказий Осиёдаги асосий рақиблари — шимолдан Қорахонийлар, жанубдан Ғазнавийлар доимо Термизни эгаллашга ҳаракат қилишди. Оқибатда Салжуқийлар даврида Термиз бир неча бор қисқа муддатларда Қорахонийлар, XII асрнинг 20—30-йилларда Ғазнавийлар тасарруфида бўлди²⁰. Сиёсий жиҳатдан шаҳар қайси сулолага бўйсунмасин, маҳаллий ҳокимият Термиз саййидлари қўлида бўлган.

Термиз XI—XII асрларда юксалиб ривож топди. Шаҳар ҳудудининг ўсиши, кўплаб обидаларнинг қад кўтариши қолаверса, йирик алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти бунинг далолатидир. Чингизхон босқини натижасида Марказий Осиёда мўғуллар ҳукмронлиги ўрнатилди. Термизда мўғуллар ўн кун давом этган қаттиқ қаршиликка дуч келишди. Оқибатда шаҳар вайрон қилиниб, аҳолининг катта қисми қириб ташланди.

Мовароуннаҳрда мўғуллар ҳукмронлиги узоқ давом этган бўлса-да, амалда ҳокимият маҳаллий сулолалар, хусусан, Термизда саййидлар хонадони томонидан бошқарилган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан XIII асрнинг охири XIV аср бошларида шаҳар ҳаёти ўнгиланиб, Термизда янги ўринда тикланди. 1333 йилда Термизга келган араб сайёҳи Ибн Баттута чиройли иморатлари ва бозорлари кўп бўлган шаҳарни кўради²¹.

¹⁸ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 113—114-бетлар.

¹⁹ Жалолиддин Мирзо. Термиз Салжуқийлар даврида//Ўзбекистон тарихи. 2001. 1-сон.

²⁰ Массон М. Е. Надписи на штуке из археологического ансамбля мавзолея Хаким ат-Термизи//Труды ТашГУ. 1960. С. 87.

²¹ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Тошкент, 1993. 63-бет.

Мазкур даврдан бошлаб тарихий асарларда ва Термизда зарб қилинган тангаларда шаҳар номига унинг сифат-фазилатларини тасвирлаш мақсадида «Мадинат ар-рижжол» сифати қўшиб ишлатила бошланди. Бу атама араб тилидан «мардлар шаҳри» деб таржима қилинади. Термизнинг «Мадинат ар-рижжол» деб номланишига, (бу хусусда турли фикрлар бўлса-да), шак-шубҳасиз шаҳар аҳолисининг фаолияти, меҳнати ва жасорати сабаб бўлган.

Мўғулларга қарши мустақиллик учун кураш ғалабаси ўзбек давлатчилиги тарихида янги даври бошлаб берди. Бу даврга асос солган Амир Темур фаолияти Термиз ва термизийлар билан чамбарчас боғлиқдир.

1362 йили Амир Темур Моҳон ҳокими Алибек Жони Қурбони қўлига асир тушганида, вазирларидан Азизуддин Термиздан юриш қилиб ёрдамга етиб келган эди. «Бу иши билан менга қувват бағишлади, шижоат ва мардлигим тутиб қўлимдаги қилич зарби билан кўп соқчилар орасидан қутилиб нажот топдим», — деб ёзилган Темур тузукларида²².

Мовароуннаҳрда ўз ҳокимиятини узил-кесил ўрнатиш учун ҳал қилувчи жанг арафасида, 1370 йил март ойининг охирида Амир Темур Термизда ўша замон саййидларининг пешвоси Саййид Барақа билан учрашди. Унинг дуойи хайрига мушарраф бўлиб, Амир Темур ҳокимият рамзи нағора ва байроқни олди²³. Шундан сўнг Хусайнни мағлубиятга учратиб, Соҳибқирон Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдорига айланди. XV аср бошларида испан элчиси Де Клавихо таърифида Термиз жуда катта, аҳолиси зич, гавжум кўча ва майдонлари кўп шаҳар бўлган. Лекин ташқи девор ва мудофаа истехкомлари бўлмаган. 1407 йилда Ҳалил Султон эски Термиз қалъасини қайта таъмирлади²⁴. Унинг даврида Ҳаким ат-Термизий қabri устига шарқ маданиятининг дурдонаси бўлмиш сағана ўрнатилди.

Улуғбек ҳаёти ва фаолиятида Термиз ва термизийларнинг иштироки кузатилади.

Шайбонийхон Мовароуннаҳрда ҳукмронлигини ўрнатгач, кўплаб термизийлар Бобур билан кетдилар ва янги салтанатнинг барпо қилинишида фаол иштирок этдилар.

Шайбонийхон ҳар бир ҳудудда вазиятдан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилди. Термизни қўлга киритгач, шаҳарни Саййид Муҳаммад Султонга берди. Угли Муҳаммад Темур Султонни, теурийларнинг анъаналарига риоя қилиб, Термиз саййидлари хонадонидан уйлантирди. Лекин, Шайбонийлар қанчалик ҳаракат қилмасин, Термиз аҳолиси Амир Темур авлодларига бўлган садоқатини сақлаб қолди. XVI асрда рўй берган ҳарбий тўқнашувларда термизийлар теурийлар тарафида бўлдилар.

Аштархонийлар давридаги ижтимоий муносабатларни ёритишда Хожа Самандар Термизийнинг 1695—1696 йилларда ёзилган «Дастур

²² Темур тузуклари. Тошкент, 1991. 77-бет.

²³ Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент, 1994. 202-бет.

²⁴ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. У Уватов нашри. Т. 2. 1992. 48—49-бетлар.

ул-мулук» асари муҳим аҳамият касб этади. Унда ўша давр давлатчилигининг шакл-шамойиллари ўзининг аксини топган²⁵.

Аштархонийлар сулоласининг намояндаси Убайдулло II (1702—1711) даврида тожу тахт учун ўзаро кураш бениҳоя кучайди. Хонлиқнинг турли ҳудудларида марказлашган давлат тизимига қарши маҳаллий ҳокимларнинг ғалаёнлари оммавий тус олди. Термиз ҳокими Шералихон амалда мустақил ҳукмронга айланган эди. Тинимсиз урушлар натижасида халқ оммасининг тинка-мадори қуриди. Термиз аҳолиси сиёсий ва иқтисодий таназзул натижасида шаҳарни ташлаб кета бошлади²⁶.

Мовароуннаҳрнинг бошқа йирик шаҳарлари сингари XVIII асрнинг биринчи ярмида Термизда тушкунлик даври бошланди. 1747 йилда ҳокимият тепасига келган манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳимхон Термизни тиклашга уриниб кўрди. Лекин унинг саъй-ҳаракатидан натижа бўлмади²⁷.

XIX асрнинг охирида Термиз ҳудудида шаҳар ҳаётининг тикланиши Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати билан боғлиқ бўлди. Чор Россиясининг Термиз ҳудудида ўрнашиб олишига сабаб ўлка бойликларини ўзлаштириш, империя марказий районларидан аҳолини кўчириб, ер билан таъминлаш эди. Чор маъмурлари Термиз ҳудудиши пахта етиштиришда «иккинчи Фарғонага» айлантиришни мақсад қилиб қўйдилар. Лекин, асосий мақсад жанубга — Афғонистон, ундан кейин Ҳиндистонга юриш эди. 1898 йилда Россия армияси бош штаби томонидан тузилган режага биноан Термиз жанубга юришнинг таянч марказига айланиши лозим эди²⁸. Ҳарбийларнинг тавсияси билан йўллар, телеграф линиялари, кейинчалик темир йўл ўтказилди.

Мустамлакачилик сиёсати XX аср мобайнида қандай шакллarga кирмасин, унинг мазмун моҳияти ўзгармади. Термиз ҳудуди совет давлатининг ипак пахта етиштириш бўйича асосий базасига айлантирилди. Лекин, асосий мақсад барибир ўзгармади. 1929 йилда совет қўшинлари Термиздан Афғонистонга ҳужум қилишди. Бир неча ойлик уруш давомида Шимолий Афғонистон босиб олинди. «Жаҳон революцияси» сари ташланган қадам бўлган бу юриш мағлубиятга учради. Тарих саҳифаларида ҳозиргача номаълум бўлиб қолаётган бу урушни биринчи совет-афғон уруши деб аташ мақсадга мувофиқ бўлар эди. Иккинчи совет-афғон уруши ҳам Термиздан 1979 йилда бошланди. Аввалгисидан фарқ қилиб, бу уруш жаҳондаги сиёсий кучлар мувозанатига ҳам, чириб бораётган совет тузумига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Совет даврида бир томондан, археологлар Термиздаги тарихий обидаларни ўрганишда катта муваффақиятларга эришган бўлсалар, иккинчи томондан муқаддас збёратгоҳлар вайрон қилинди.

²⁵ Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук. Ж. Эсанов нашри. Тошкент, 1997.

²⁶ Мир Муҳаммад Амин-и Бухари. Убайдулла-наме/Изд. А. А. Семелова. Ташкент, 1957.

²⁷ Бартольд В. В. Термез. Соч. III. М., 1965. С. 507.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви. 1396-рўйхат, 1490-иш.

Ҳозирги пайтда Термиз Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий марказидир. Шаҳарнинг майдони 27,8 кв. км., аҳолиси 113,8 минг кишини ташкил қилади.

Мустақиллик йилларида Термизнинг тараққиётига қўшни мамлакатлардаги беқарор вазият салбий таъсир кўрсатмоқда. Шундай бўлишига қарамай, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни амалга оширишда Термиз шаҳрининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлаш келажаги буюк давлат қурилиши йўлидаги илдам қадамлардан биридир.

Г. Солижонова

ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ ВА ИСО АТ-ТЕРМИЗИЙ ҲАДИСЛАРИ ИСЛОМ ҲУҚУҚИ СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ МАНБАЛАРИ СИФАТИДА

Маълумки, ўн асрдан ортиқ давр мобайнида Ўзбекистон, шунингдек, бутун Урта Осиё халқларининг ҳуқуқий онгини асосан шарият ва одат нормалари ҳамда анъаналари белгилаб келган. Шарият икки қисм — илоҳиёт ёки диний тамойиллар мажмуи (ақоид) ва ҳуқуқ (фиқҳ) дан таркиб топган бўлиб, фиқҳ, яъни мусулмон ҳуқуқи ўз навбатида яна иккига ажратилган: биринчиси, муомалат, мусулмонларга ўзга шахсларга нисбатан қандай хатти-ҳаракатлар қилиниши лозимлиги тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатган бўлса, иккинчиси, ибодат қисмида уларнинг Аллоҳ олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган¹. Шариятнинг мана шу икки қисми турли мазҳаблар ёки мусулмон ҳуқуқий мактаблари томонидан ҳуқуқ фанининг предмети сифатида ўрганилган. Ислом ҳуқуқи тарихида ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик ва ҳанбалийлик сунний ҳуқуқ мактаблари муҳим роль ўйнаган бўлиб, Урта Осиё халқлари улардан энг йириги ҳисобланган Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит (699—767) асос солган ҳуқуқ мактаби анъаналарига амал қилган (Бу мазҳабга ҳозирги кунларда дунёдаги барча мусулмонларнинг учдан бир қисми эргашадилар)².

Шунингдек, фиқҳ илми мазмунига кўра ҳам икки асосий қисмга: илм-ул усул-ул-фиқҳ, яъни фиқҳнинг асослари ва манбалари — Қуръон, Сунна, Ижмо ва Қиёсни ўрганувчи ва илм-ул фуруъ-ул-фиқҳ — ҳуқуқнинг тармоқлари ёки амалий фиқҳ қисмларига ажратилиб³, ўртаосиёлик олимлар ҳанафийлик мазҳаби доирасида фиқҳнинг бу ҳар

¹ Саидов А. Х. Важнейший памятник шариата мусульманского мира//Хидоя: Комментарий мусульманского права. Т. 1. Ташкент: Ўзбекистон, 1994. С. 30.

² Қориев О. Ал-Марғионий — машҳур фиқҳшунос. Тошкент: Халқ мероси. 2000. 9-бет.

³ Ахмеджанов У. М. Институт собственности в мусульманском праве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. М., 1963. С. 9; Саидов А. Х. Важнейший памятник шариата. С. 31; Исҳоқов С. Бурҳониддин Марғионий ва фиқҳ илми. Тошкент: Адолат, 2000. 26—27-бетлар.

икки қисмининг шаклланиши ва тараққий этишига улкан ҳисса қўшганлар. Жумладан, IX асрда яшаб, ижод этган мовароуннаҳрлик муҳаддис имомлар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийлар Ислом ҳуқуқининг асосий манбаларидан бири — ҳадис илмининг пойдеворини яратишда улкан ҳисса қўшиб, ҳуқуқнинг илм-ул улус-ул-фиқҳ тармоғини бойитдилар, бу илмий асослар эса ўз навбатида кейинчалик илм-ул фуруъ-ул-фиқҳнинг тараққий этиши учун мустаҳкам замин ва асосий манба вазифасини ўтади.

Имомлар Исмоил ал-Бухорий ва Исо ат-Термизий ҳадислари Ислом ҳуқуқининг барча тармоқлари, чунончи, оила ва никоҳ, фуқаролик, жиноят ҳуқуқи каби тармоқларига оид бўлиб, улар айниқса, солиқ қонунчилигининг шаклланишида манба сифатида беқиёс катта аҳамият касб этган. Ваҳолонки, шариатнинг бошқа манбалари — Қуръон, Ижмо ва Қиёс билан биргаликда, кўпроқ ҳадис илмига таянган ҳолда шаклланган Ислом ҳуқуқининг солиқ қонунчилиги асослари ўзининг мукамаллиги боис Ўрта Осиёда бутун ўрта асрлар давомида сақланиб келган ва амалда бўлган⁴.

Шариатга кўра солиқнинг қуйидаги шакллари мавжуд бўлган: хумс — мулкка солинадиган солиқ (даромаднинг 5/1 қисми миқдоридан); закот — қонун тили билан айтганда «нисаб», яъни закот тўлаш учун белгиланган минимум миқдоридан тўлиқ бир йил, хавлани-хавл муддати давомида фақат мусулмон мулкдорлар тасарруфида бўлган мулкдан тўланадиган солиқ; закот-ал-фитр — рўзан рамазон ойининг тугаши муносабати билан ҳар бир «нисаб» мулкига эга бўлган мусулмон эркак ва аёл тўлаши лозим бўлган хайр-эҳсон; садақа — камбағалларга кўнгилдан чиқариб қилинадиган мажбурий бўлмаган ҳайрия; жизйа — мусулмон давлатларидаги ғайридинлар томонидан тўланадиган жон солиғи; хирож — ер солиғи ва ушр — ҳосилнинг 10/1 тўланадиган ер солиғи⁵. Бу солиқ турларининг барчаси ҳақида ҳадислар мавжуд бўлган ва улар имомлар ал-Бухорий ва ат-Термизий ҳадис тўпламларида келтирилган.

Солиқ тўғрисидаги ҳадис Қуръони Каримнинг «Бақара» (245, 261—271-оятлар), «Тавба» (34—35-оятлар), «Ҳадид» (18-оят), «Тағобун» (17-оят), «Муҳаммад» (38-оят) каби сураларидаги нормаларга асосланган⁶. Уларда Аллоҳ мусулмонларга хайр-эҳсон қилишни буюрганлиги, хайр қилганлар учун ажр ва бундай қилмаганлар учун жазолар тўғрисида таъкидланган.

⁴ Темур тузуклари//Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов тарж., Б. Аҳмедов таҳрири остида. Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1991. 6, 63-бетлар; Хидоя: Комментарий мусулманского права. Т. 1. С. 65—120; Мухтасар (Шариат қонунларига қисқача шарҳ). Тошкент: Чўлпон, 1994. 59—68-бетлар; Расулзода Н. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Мубаййини» асари ва унинг текстологик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дисс.-я. Тошкент, 1995. 50—51-бетлар.

⁵ Керимов Г. М. Шариат и его социальная сущность. М.: Наука, 1978. С. 173; Хидоя: Комментарий мусулманского права. Т. 1. С. 65—120.

⁶ Қуръони Карим//Изоҳ. ва тарж. муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент: Чўлпон, 1992. 37; 40—41; 157—158; 484; 554; 528-бетлар.

2001

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий закот бермоқнинг вожиблиги ҳақида шундай ҳадис келтиради:

«Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Суфён (Р. А.) менга ҳадис айта туриб, Набий саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир сўзларини эслади. Кейин у: «Жаноб Расулуллоҳ бизга намоз ўқиш, закот бермоқни, қариндошлик алоқаларини узмасликни ва пок бўлмоқни буюрганлар» — деди⁷.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий бу хусусда Анас (Р. А.) дан худди шу мазмундаги ривоят келтирилган ҳадис айтиб, унга шундай тушунтириш бериб ўтган:

«Муҳаммад ибн Исмоил (ал-Бухорий)дан эшитдим, айтдики, «Баъзи муҳаддислар, (маълумоти) олим кишига ўқиб арз этмоғи (худди) ундан эшитмоғи каби жонз, деб айтишди»⁸.

Изоҳдан кўриниб турибдики, ат-Термизий устози ал-Бухорийнинг ҳадис илмига оид илмий тамойилларини гоёта ҳурмат қилган ва ўз тажрибаларида уларга амал қилган.

Ислоҳ ҳуқуқининг солиқ қонунчилиги маъналари сифатида имомлар ал-Бухорий ва ат-Термизий ҳадисларида солиқ субъектлари ва объектлари, солиқ йиғимидан жамланган жамғармалар қандай мақсадларга сарфланиши, Ислоҳ давлатининг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслари, шунингдек, чет эллик фуқаролардан олиннадиган солиқ турлари, миқдорлари ва тўлаш муддатлари, солиқ йиғувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби солиқ қонунчилиги нормалари асослари ишончли далилларга таянган ҳолда ўз аксини топган.

Фақиҳ уламоларга маълумки, «закот бериш кишига берган қарздан, ўсадиган ҳожати аслиясида ва кишига берадиган қарздан ташқари нисабга етган моли бўлган мусулмонни мукаллиф, яъни ақлли, болғ мусулмонгагина вожиб. Ўсадиган мол бўлиши пул билан ёки ярим йилдан кўпроқ яйловда ўтлаб юрадиган ҳайвонлар билан бўлади ёки фойда олиш нияти билан тасарруф қилинадиган мол бўлади, у қандай шаклда бўлишидан қатъий назар»⁹. Закот вояга етмаганлар, ақлсиз заифлар, қуллар, қарздорлар, мол-мулки миқдори нисабга етмайдиган мусулмонлардан олинмайди, фақат шубҳасиз ва ҳалол мол-мулкдангина олинади¹⁰. Ислоҳ ҳуқуқи ҳукмронлик қилувчи давлатларда яшайдиган фуқаролик мақомига эга бўлмаган, яъни мусулмон бўлмаган шахслардан эса махсус жизйа солиғи олинади, хумс солиғини тўлашда фуқаролар, яъни мусулмонларга нисбатан икки баробар солиқ миқдори тўлайдилар.

Имом ал-Бухорий ҳадисларида солиқ ҳуқуқининг субъектлари ҳақида шундай ривоятлар келтирилади:

— Ўзи ёки оиласи муҳтож бўлган ёхуд бировдан қарзи бўлган киши садақа бергандан ва қул озод қилгандан кўра, аввал қарзини

⁷ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомъиъ ас-саҳиҳ... 1-китоб. 321-бет.

⁸ Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Суннати Термизий... 1-жилд. 608-бет.

⁹ Мухтасар (Шариат қонунарига қисқача шарҳ)... 59-бет; Керимов Г. М. Шариат и его социальная сущность. С. 179.

¹⁰ Хидоя: Комментарий мусульманского права. Т. 1. С. 66—69.

узмоғи лозим, чунки унинг хайру эҳсони барибир қабул бўлмағайдир. Бировларнинг молини сарф қилмоққа унинг ҳаққи йўқдир;

— Саъид ибн Мусаййаб Абу Ҳурайра (Р. А.) Набий (САВ) бундай дегаанларини эшитган эканлар: «Ўзидан орттириб қилинган садақа энг яхши садақадир, шунинг учун садақа бермоқни энг аввало оилангдан бошлағил! Яъни энг аввало оилангни таъминлағил!»;

— «Абу Ҳурайра (Р. А.) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ (САВ): «Қимки ҳалол касб қилиб, бир дона хурмочалик садақа қилғайдир, Аллоҳ таоло уни бажонудил қабул этгайдир, сўнг сизлар тойчоқни қандоқ боқиб улғайтирсангиз, Аллоҳ таоло ҳам берган садақангизни тоғ баробаринда қилиб, ўзингизга қайтарғай» — дедилар¹¹.

Закот ва жизйа солиғи тўловларидан қандай шахслар соқит қилиниши ҳақида ат-Термизий ҳадис тўпламларида шундай ҳуқуқ нормалари бор;

— Абу Ҳурайра (Р. А.) дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ (САВ) бундай дедилар:

«Мусулмон киши зиммасида (тижорат учун бўлмаган) оти ва қули учун закот йўқ».

Абу Ҳурайра ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Илм аҳллариининг амали шу ҳадис асосидадир. Чунончи, (миниб юриладиган ва яйловга қўйиб юборилган) отлар учун ва хизматдаги қул учун закот йўқ. Фақатгина тижорат (қийматлари) учун закот бор;

— Ибн Умар (Р. А.) дан ривоят қилинди; айтди: «Қимки бир молдан истифода этса (фойда кўрса), мол эгаси зиммасида, молдан токи бир йил ўтмагунча, закот йўқ».

Бу ҳадис Абдурраҳмон ибн Зайд Асламнинг ҳадисидан кўра саҳиҳроқ;

— Ибн Аббос (Р. А.) дан ҳадис ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ (САВ) бундай дедилар: «Битта ер устида икки қибла дуруст бўлмағай ва мусулмон бўлган кишилар учун жизйа йўқдир».

Ат-Термизийнинг китобига шарҳ ёзган ал-Ироқий мазкур ҳадисни бундай изоҳлайди: «Йил давомида мусулмон бўлса, ундан шу йилнинг жизйаси олинмайди»¹².

Ислол ҳуқуқи солиқ қонунчилигидаги закот солиғи сифатида йилган жамғармалар қуйидаги тоифа мусулмонлар ўртасида тақсимланган: аввало, фақир, яъни ҳожати аслиясида ортиқ нисабга етмаслик қадари моли бўлган киши, иккинчи, мискин, яъни ҳеч нарсаи бўлмай, фақат бир кунлик озиғи бўлиб ёки кундан-кунга хизмат қилиб нафақаланадиган киши, учинчи, омили закот, яъни ҳукмдор тарафидан вожиб садақаларни халқдан йиғиш учун қўйилган киши. Омили закот, гарчи бой бўлса-да, маншатга етарлик закот молдан берилур, яъни ҳукмдор закот молдан маош берур. Тўртинчи, муқотиб, яъни хўжайинидан ўзини озод қилиш учун хат олган қулга ўзини озод қи-

¹¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомийъ ас-саҳиҳ... 1-китоб. 386, 391, 392-бетлар.

¹² Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Суннаи Термизий. 1-жилд. 617—621-бетлар.

2001

ладиган миқдорини бериш дуруст, гарчи бир неча минг бўлса-да. Бешинчи, қарздорга, агар қўлидаги моли қарзидан нисаб қадари ортмайдиган бўлса. Олтинчи, Аллоҳ йўлидан қолган (ҳаж ёки жиҳод йўлида моли тугаб, фақир бўлиб қолган) кишига ва ниҳоят, ўзининг мамлакатидан йироқ бўлиб, ёнида нафақалиги қолмаган кишига, гарчи ўз мамлакатида нисаб қадари моли бўлса-да. Шунингдек, мусулмонлар учун муқаддас даргоқлар — масжид ва мадраса кабиларни қуриш учун ҳам ажратилган¹³. Қонунчиликдан кўриниб турибдики, закот солиғини йиғишдан мақсад жамиятдаги ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тузумнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш, турли ижтимоий табақалар ўртасида адолат ўрнатиш бўлган¹⁴.

Закот солиғи жамғармаларини тақсимлашга оид қўйидаги ҳадисларни буюк ҳуқуқшунос аждодларимиз имомлар ал-Бухорий ва ат-Термизий тўпламларида учратиш мумкин.

Ибн Аббос (Р.А.) ривоят қилади: «Жаноб Расулуллоҳ (САВ) Маозни Яманга юбора туриб: «Сен аҳли китоб бўлмиш қавм ҳузурига бораётирсан, берсанг, энг аввало уларни «Ла илоҳа илла-л-лоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ» деб калима айтмоққа даъват этгил, агар сўзингга кирсалар, Аллоҳ таоло ҳар кеча-кундузда беш вақт намоз ўқимоқни фарз қилганини уларга айтгил, агар бунга ҳам кўнсалар, Аллоҳ таоло бойлардан закот олиб, фақирларга бермоқни ҳам фарз айлаганини уларга маълум қилгил, агар бунга ҳам рози бўлсалар, закотга одамларнинг энг яхши молини олмоқ макруҳлигини билдиргил»¹⁵.

«Абу Жуҳайра (Р. А.) дан ривоят қилинди; айтди: «Расулуллоҳ (САВ)нинг закотчилари бизларга келди ва садақани (закотни) бойларимиздан олиб, фақирларимизга тарқатди. Мен бир етим бола эдим, менга оёқлари узун ёш бир урғочи туя берди».

Абу Жуҳайранинг ҳадиси ҳасан-ғариб»¹⁶.

Ислоҳ ҳуқуқи солиқ қонунчилиги бўйича ўрнатилган солиқ миқдорларига оид ҳуқуқий нормалар уларнинг ижтимоий адолат тамойиллари асосида тузилганлигидан далолат беради. Қўйидаги имомлар ал-Бухорий ва ат-Термизий ҳадислари фикримизнинг яққол исботидир.

«Набий (САВ) бундай деганлар: «Огирлиги беш уққадан (6, 240 кг дан) кам (сочилувчан бўлмаган) нарсалар учун, сони бештадан оз қўй, эчки, мол, от, туя каби ҳайвонлар учун ҳамда беш авсақдан (тахминан 720 кг дан) енгил (сочилувчан) нарсалар учун садақа (закот) берилмағайдир».

¹³ Хидоя: Комментарий мусульманского права. Т. 1. С. 107—108; Мухтасар (Шариат қонунларига шарҳ)... 66-бет; Керимов Г. М. Шариат и его социальная сущность. С. 191—192.

¹⁴ Керимов Г. М. Шариат и его социальная сущность. С. 196.

¹⁵ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исmoil ал-Бухорий. Ал-Жомий ас-саҳиҳ... 1-китоб. 412-бет.

¹⁶ Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Суннани Термизий. 1-жилд. 635-бет.

«Абу Бакр (Р. А.) Анас (Р. А.) ни Баҳраинга жўнатганларида, кетларидан ушбу мактубни йўллаган эрдилар: «Қайси бир мусулмондан шариатга мувофиқ закот бермоқни сўрашса, берсин; кимдан шариатга хилоф равишда ортиқча заковат сўрашса, бермасин. Йигирма тўрт ва ундан камроқ туянинг ҳар бештасига бир қўй; йигирма бешдан то ўттиз бештагача туя учун битта бир яшар урғочи бўталоқ; ўттиз олтидан то қирқ бештагача бўлса, битта икки яшар урғочи бўталоқ; қирқ олтидан то олтиштагача бўлса, битта тўрт яшар урғочи бўталоқ; олтиш бирдан то етмиш бештагача бўлса, битта беш яшар туя, етмиш олтидан то тўқсонгагача бўлса, иккита икки яшар урғочи туя; агар тўқсон бирдан то бир юз йигирматагача бўлса, иккита тўрт яшар урғочи туя бергайдир. Бир юз йигирматадан ҳам кўп бўлса, ҳар қирқтасига битта икки яшар урғочи бўталоқ ва ҳар элликтасига битта тўрт яшар бўталоқ бермоғи лозим. Қимнинг тўрттадан бошқа туяси бўлмаса, садақа вожиб эрмас, хоҳласа бергайдир, хоҳламаса йўқ. Туяси бештага етса, битта қўй бергайдир. Агар подадаги қўйлар қирқтадан бир юз йигирматагача бўлса, битта қўй; бир юз йигирматадан икки юзтагача бўлса, иккита қўй; икки юздан то уч юзтагача бўлса, учта қўй; уч юздан ҳам кўп бўлса, ҳар юз қўйга битта қўй беррилгайдир. Агар подадаги қўйлар сонини қирқтадан битта кам бўлса ҳам, садақа вожиб эрмас, эгаси хоҳласа бергайдир, хоҳламаса йўқ»¹⁷.

«Абдуллоҳ ибн Масъуд (Р. А.) дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ (САВ) айтдилар «Ўттизта сигирда — икки ёшга етмаган битта эркак бузоқ ёки тана ва қирқтада — уч ёшга етган битта гунажин (закот қилиб берилади)».

«Али (Каромуллоҳу ваҷҳаҳу)дан ривоят қилинди; айтдилар: «Расулуллоҳ (САВ) бундай деди: «...кумушнинг закотини келтирингиз! Қирқ дирҳамдан бир дирҳам (берилур). Тўқсонда ва юзда менга берадиган ҳеч нарсангиз йўқ. Тўлиқ икки юзга етганда эса, унда беш дирҳам бордур»¹⁸.

Юқорида келтирилган ҳадисларда белгиланган закот солиғи миқдорлари Ислом ҳуқуқи ҳукмрон давлатларда мусулмонларга тегишли бўлиб, фуқаролик мақомига эга бўлмаган, яъни зиммийлардан жиъза солиғи — закотга нисбатан икки баробар миқдордаги солиқ ундирилган. Солиқ ундиришдаги бу хусусият ўзи яшаётган давлатдаги Ислом ҳуқуқи нормаларини тан олмаган ва шу сабабдан «фуқаролиги бўлмаган шахс» ҳуқуқий мақомига эга файридин аҳолини Ислом ҳуқуқини тан олиш ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриши учун замин яратган¹⁹.

Ислом ҳуқуқининг «Сийар», яъни «мусулмон халқаро ҳуқуқи»²⁰ нормаларига асосан, чет эл фуқаролари, ёки «харб кишилари» мусул-

¹⁷ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Имом ал-Бухорий. Ал-жомъ ас-саҳиҳ... 1-китоб. 384, 399—400-бетлар.

¹⁸ Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Суннани Термизий... 1-жилд. 609, 613-бетлар.

¹⁹ Керимов Г. М. Шарият и его социальная сущность. С. 188; Ал-Балазури. Китаб футух ал-булдан. Лейден, 1876. С. 201—202, 321—322.

²⁰ Сюкияйнен Л. Р. Мусульманское право. С. 83.

мон давлатининг фуқароси бўлмаганлиги бонс, Ислоом солиқ қонунлари уларга нисбатан ёйилмаган. Солиқ қонунчилигига биноан, мусулмон фуқаролардан молнинг 10/1 нинг чораги, давлатда яшовчи фуқаролиги бўлмаган гайридинлардан 10/1 нинг ярми, харб кишиларидан эса 10/1 қисми закот сифатида ундирилган. Агар харб кишида 50 дирҳам миқдордаги мулки бўлса, ундан закот олинмаган, агар уларнинг ватанида мусулмонлардан шунча миқдор мулкдан солиқ ундирилмаган бўлса, бундай ҳолатларда у ерда қанча миқдорда солиқ ундирилса, бу давлатда ҳам шунча солиқ олинган. Мабодо харб кишиси келган хорижий давлатда умуман мусулмонлардан закот олинмаслиги маълум бўлса, бунда Ислоом ҳуқуқи ҳукмрон давлатда ҳам худди шундай йўл тутилган. Хавлани-хавл давомида ҳар бир чет эл фуқароси давлатнинг ўз фуқаролари каби бир марта закот тўлаган, фақат шу йил давомида ўз юртига бориб келиши уларнинг икки марта закот солиғи тўлашига сабаб бўлган²¹. Бу каби ҳуқуқий нормалар Ислоом ҳуқуқи солиқ қонунчилигининг чет эл фуқароларига нисбатан меъёрлари ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи нормалари талабларига мувофиқ келганлигини кўрсатади. Мазкур ҳуқуқ нормалари учун эса имомлар Исмоил ал-Бухорий ва Исо ат-Термизий ҳадислари муҳим манбалар ролини бажарган.

Қонунчиликка кўра, закот солиғи тўланishi учун нисаб (закот тўланиши учун етарли) миқдордаги мол-мулк мулкдор тасарруфида хавлани-хавл ёки бир хил давомида тўлиқ фойдаланилган бўлиши зарур бўлган. Аммо айрим ҳолатларда закотнинг вақтидан илгарини тўланишига ҳам рухсат этилган. Бу ҳақда ат-Термизий қуйидаги ҳадисларни келтиради:

«Али (Р. А.) дан ривоят қилинди: «Аббос (Р. А.) ўз садақаларини вақти кирмасидан эртaroқ бермоқ борасида Расулulloҳ (САВ) дан сўрадилар. Расулу Акрам бу хусусда у кишига рухсат бердилар»²².

Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, йиғилган закот ҳисобидан улуш оладиган солиқ йиғувчи маъмурдан хизмат вазифасини бажаратганда мутлақо ҳалоллик талаб этилган ва йиғилган закот ҳақида давлат хазинаси — «Байт ул-мол»²³га ҳисобот топширилган. Бу ҳақда имомлар ал-Бухорий ва ат-Термизий ҳадисларида қуйидагича ҳуқуқий нормалар учрайди:

«Рофиъ ибн Ходиж (Р. А.) дан ривоят қилинди; айтди: «Расулulloҳ (САВ) дан эшитдимки, «Ҳақ билан иш кўрувчи закот маъмури, токи уйига қайтгунча, бамисоли Аллоҳ йўлида (жанг қилган) ғозий кабидир» — дедилар.

Рофиъ ибн Ходжийнинг ҳадиси ҳасан»²⁴.

«Абу Хумайд Соъидий (Р. А.) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ (САВ) Баний Сулайм аҳлидан садақа (закот) йиғишда Ибн Лутбия

²¹ Хидоя: Комментарий мусульманского права. Т. I. С. 91—92.

²² Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Суннани Термизий... 1-жилд. 661-бет.

²³ Мец А. Мусульманский ренессанс. М.: Восточная литература, 1966. С. 71.

²⁴ Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Суннани Термизий... 1-жилд. 632-бет.

номли бир кишининг хизматидан фойдаландилар, у закот йиғиб келгач, Жаноб Расулulloҳга ҳисоб-китоб берди»²⁵.

Ислому ҳуқуқи солиқ қонунчилигининг закот солиғига оид бўлган ва мақола давомида ҳадислар асосида кўрсатиб ўтилган етакчи таълимчилар солиқларнинг бошқа турларига ҳам тааллуқли бўлган.

Имомлар Исмоил ал-Бухорий ва Исо ат-Термизий ҳадисларини Ислом ҳуқуқининг солиқ қонунчилиги манбалари сифатида қиёсий таҳлил этиш шундай илмий хулосаларга олиб келади:

— Имом Исо ат-Термизий ҳадислари ҳам имом Исмоил ал-Бухорий ҳадислари каби Ислом ҳуқуқининг солиқ қонунчилигини шаклланишида манба сифатида катта аҳамиятга эга бўлган;

— Мазкур алломаларнинг ҳуқуқий меросидан замонавий ўзбек солиқ қонунчилигини такомиллаштириш жараёнида қадрият сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

²⁵ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомийъ ас-саҳиҳ. 1-китоб. 414-бет.

А. Қайумов

ХІХ АСР ОХИРИ — ХХ АСР БОШЛАРИДА СУРХОН-ШЕРОБОД ВОДИЙСИДАГИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ БАЪЗИ ОМИЛЛАРИ

Бу даврда Ўзбекистон ҳудудида кечган этник жараёнларни тадқиқ қилиш ва унинг муҳим омилларига эътибор берish халқимизнинг этник тарихи ҳақида илмий ҳолислик билан тўғри хулосалар чиқаришга имкон беради. Маълумки, ўзбек халқининг келиб чиқиши узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Асрлар давомида маҳаллий аҳолига кўплаб этник гуруҳлар компонент сифатида қўшила бориб, натижада этник муштараклик асосида аста-секин элат ва миллат бўлиб шаклланди. Бундай этник жараёнлар турли тарихий шароитда ўзининг табиий географик, ижтимоий-иқтисодий ва этник-маданий хусусиятларига кўра ранг-баранг бўлган бир неча тарихий-маданий ҳудудларда ўзига хослик билан кечганлиги бир қанча тарихий-этнографик тадқиқотлардан бизга маълум. Булар ХІХ аср охири — ХХ аср бошларида Хоразм, Фарғона водийси, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхон-Шеробод водийси каби тарихий-этнографик ҳудудлар бўлиб, улардаги этник жараёнлар ўзбек миллатининг бирлиги учун ўзига хос давр ва босқич бўлди. Қуйида биз мана шу давр бўйича Сурхон-Шеробод водийсидаги этник жараёнлар ҳақида баъзи мулоҳазаларни билдирамиз.

Маълумки ҳар бир вилоят ёки бекликларнинг аҳолиси ўзининг узоқ мустақил ривожланиш йўлига эга бўлган. Шу сабабли ўрганилаётган ҳудуднинг аҳолиси бошқа тарихий-маданий вилоятлар аҳолисидан фарқ қилиб, маълум кичик ҳудудий кенглик ва баъзи йирик аҳоли пунктлари ўртасида ҳам айрим тафовутларга эга эди. Демак, ҳар бир ҳудудий гуруҳ жойлашган жойининг табиий географик хусу-

2001

снятларидан келиб чиқиб хўжалигида ва моддий маданиятида ўзига хос хусусият касб этган.

Водийнинг ўзига хос табиий географик хусусиятлари ҳам этник жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатди. Унинг мўътадил иқлими, баҳор фаслининг эрта келиши, ёз фаслининг кўп давом этиб, қишнинг илқироқ бўлиши қадимдан ихтисослашган икки хўжалик маданий муҳит — серсув булоқ, дарё ва унинг irmoқлари бўйида суғорма деҳқончилик ва шунингдек, ярим дашт ва тоғ ёнбағирларида эса чорвачиликни баравар ривожланишига имкон берди. Бу хўжалик турларининг водийдаги кўплаб этник гуруҳлар ўртасида ўзига хос тақсироти мавжуд бўлганлигини кўришимиз мумкин. Буни қуйида водий аҳолисининг этник таркиби ва уларнинг жойлашиши ҳақидаги қисқача маълумотлардан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Ўтган аср бошларида водий аҳолиси асосан Сурхондарё, Шерободдарё ва унинг irmoқлари бўйида жойлашган эди. Тоғ ва тоғолди зоналарида, дарё воҳаларида хўжалигида деҳқончилик, боғдорчилик устун турган турғун аҳоли ва хўжалигида чорвачилик етакчи бўлган ярим ўтроқ аҳоли вакиллари яшар эди. Улар асосан деҳқончилик билан машғул бўлган ўзбек ва тожик тилли чигатойлар, ҳардурилар, қарлуқ, барлос, турк, калтакой каби ва кўпроқ чорвачилик хўжалиги билан шуғулланган бир қисм қарлуқлар, манғит, қовчин, ўзбек-хитой, кенас, қўнғирот, қатагон, юз, дўрмон каби этник гуруҳлардир¹.

1924 йилги районлаштириш комиссияси материалларида Сурхон-Шеробод водийсида чигатойлар, ҳардурилар ва қарлуқларни қуйидаги географик ҳудудлар бўйича тарқалганлиги кўрсатиб ўтилган². Чигатойлар ва ҳардуриларнинг ўзбек ва тожик тилли гуруҳлари Шерободдарёнинг юқори ва ўрта оқим ҳавзасида Мачай (ҳардурилар асосан шу қишлоқда яшайди), Дарбанд, Сайроб, Пошхурд, Лайлаган каби қишлоқларда тарқалган. Шунингдек, Кўҳитаг тоғининг шарқий қисмида Зарабоғ, Қорабоғ, Пошхурд каби кўплаб қишлоқларда ва Шеробод шаҳри, унинг атрофидаги Чигатой, Қишлоқбозор, Сеплон, Новбоғ, Гегирдак каби аҳоли пунктларида турли этник гуруҳлар билан аралаш яшаганликлари кўрсатиб ўтилган. Бойсуи шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда эса чигатойлар ва хўжаларни бир қадар тиз жойлашганликларини кўришимиз мумкин³.

Сурхондарё ҳавзасида, айниқса унинг юқори қисмида ўзбек ва тожик тилли чигатойларнинг кўплаб қишлоқларини учратиш мум-

¹ Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, XX аср Ўзбекистон ҳудудида этник гуруҳларни деҳқончилик билан шуғулланувчи турғун аҳоли ва чорвачилик билан шуғулланувчи ярим ўтроқ аҳоли деб ажратилиши нисбий ҳолат. Чунки мазкур этник гуруҳлар хўжалигининг бу икки соҳаси билан у ёки бу даражада бараварига қончилик билан ҳам машғул бўлганлар.

² Материалы по районированию Средней Азии. Кн. 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Ч. 1. Бухара, Ташкент, 1926. С. 261, табл. 6.

³ Қаранг: Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М., 1976. С. 86; Қайюмов А. Р. Шеробод воҳаси аҳолисининг этник таркиби (XIX аср — XX аср бошлари) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1998. № 3, 34—38-бетлар.

кин. Улар тоғли ҳудудларда жойлашган Дуғоба, Луччак, Диболо, Сангардак, Хубон, Хуфар, Сина, Сарносиё, Юрчи каби аҳоли пунктларида яшайдилар. Шу билан биргалликда Денов шаҳрида ва ундан ғарбда Катта Вахшивор ва Кичик Вахшивор қишлоқларида бошқа этник гуруҳлар билан аралаш ҳолда тарқалган⁴.

Сурхондарёнинг юқори ва ўрта қисмларидаги аҳоли пунктларида яшовчи тожик тилли чигатойлар ўзига хос икки гуруҳга бўлинадилар. Улардан бири ўзини шу ернинг турғун аҳолиси деб ҳисоблайди ва тоғли жойда яшаганликлари сабабли «кўҳистонилар» деб аталади. Иккинчи гуруҳ эса ўзини турли жойлардан келиб қолган деб ҳисоблайди ва «вилоятчи» деб аталади⁵.

Қарлуқлар эса Шўрчи тумани, яъни Сурхондарёнинг Қарлуқдарё номли ирмоғи бўйида тоғ яқинидаги Қарлуқ қишлоғида жойлашган. Қ. Ш. Шониёзов таъкидлаб ўтганидек, қишлоқ аҳолиси турғун ҳаёт кечирган ва бу ерга қачон келиб ўрнашганликларини билмайди⁶.

Хўжалигида кўпроқ чорвачилик устун турган аҳоли вакиллари бўлган қарлуқларнинг баъзи гуруҳлари эса юқори Сурхондарёда Сарносиё туманининг Тоғчиён, Бойқишлоқ, Зағновот, Позилкўчи, Қўлмозор, Чолмиён, Саримозор, Бўйрапўш, Нелоба каби қишлоқларида тарқалганлар. Уларнинг кўпчилиги XIX аср охири — XX аср бошларида ярим ўтrockликда кун кечирганлар⁷.

Турк, қалтакой ва барлослар ўрғанилаётган ҳудудда камчилиكنи ташкил этади. Туркларнинг камсонли гуруҳлари Шеробод воҳасида, Бойсуи тоғларидаги қишлоқларда тарқалганлар. Қалтакойлар асосан Сангардак ва Обизаранг дарёлари оралиғидаги қишлоқларда, Юрчи шаҳрида ва қуйи Шерободдарё воҳасидаги Оққўрғон қишлоғида жойлашганлар. Барлослар эса юқори Сурхондарё воҳасидаги Дашнобод, Қудуқли, Шоқишлоқ ва Қорабанди каби қишлоқларда яшайдилар⁸.

Қўнғиротлар эса бутун водий бўйлаб кенг тарқалган ва бу ерда аҳолининг кўпчилигини ташкил этади. Улар Бойсундарё, Шерободдарё ҳавзаси Амударё ва Сурхондарё бўйидаги аҳоли пунктларида тарқалганлар. Қўнғиротлар водийнинг шимоли ва жануби ғарб томонларида айниқса зич жойлашган. Уларнинг хўжалигида чорвачилик етакчи ўринда турган. Юзлар эса Сурхон водийсининг юқори ва ўрта қисмида қўнғиротларга бевосита қўшни бўлиб яшаганлар. Сурхон водийсида юзларнинг йирик бўлинмаси туркман — жузлар ҳам кенг тарқалган, Улар жойлашган жойлар илгаридан суғориш учун қулай бўлган ва октябр тўнтаринишгача доимий равишда ўтrockлаша бошлаганлар.

Дўрмонлар Боботоғнинг шимоллий қисмида ва собиқ Шеробод беклиги ҳудудларида, жалоийрлар эса Сурхондарёнинг ўнг қирғoқ

⁴ Дала материаллари. 1998 йил. Денов тумани.

⁵ Хидоятов И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. Ташкент: Наука, 1965. С. 143.

⁶ Шониёзов Қ. Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. Тошкент, 1999. 151—152-бетлар.

⁷ Кўрсатилган асар. 152-бет.

⁸ Хидоятов И. Кўрсатилган асар. 128-бет.

кисмида жойлашган Жалойин помли қишлоқда яшайдилар. Шунингдек, водийда араблар, эронийлар, лўлилар, афғонлар ва илгаридан ёки маълум вақтлар давомида келиб қолган руслар, туркманлар, қирғизлар ва яҳудийлар каби этник гуруҳларнинг бир қанча вакиллари ҳам тарқалган.

Мазкур этник гуруҳлар юқорида таъкидлаганимиздек, хўжалик хусусиятларига кўра ҳар хил ҳудудларда жойлашганлар. Водийни шартли равишда қишлоқ хўжалик хусусиятларига кўра уч зонага бўлиш мумкин:

1) водий суғорма деҳқончилиги; 2) боғдорчилик, чорвачилик билан биргаликдаги тоғ ва тоғ олди зироатчилик хўжалиги; 3) дашт зироатчилиги ва яйлов чорвачилиги зоналари⁹.

Биринчи зонада қарлуқ, чигатой, дўрмон ва қисман қўнғирот, юз каби этник гуруҳлар Шерободдарё воҳасида, Сурхондарёнинг ўрта қисмидаги суғорма деҳқончилик зоналарида буғдой, арпа, кунжут, шоли ва поллизчилик экинлари экканлар. Суғориш ишларида йирик дарёлардан канал қазиб сув олиш жуда катта куч талаб қилар эди. Шунинг учун Сурхондарё ва Шерободдарёнинг воҳа қисмидаги унумдор ерлар ва суғориш учун қулай жойлардагина сунъий ирригация тармоғлари воситасида суғорма деҳқончилик тури билан шуғулланганлар.

Иккинчи зонада эса асосан тоғ ва тоғолди ҳудудларида яшовчи — тоғчи-қатағонлар, чигатойлар, қарлуқлар ва тоғли тожиклар боғдорчилик, чорвачилик ва зироатчилик билан шуғулланганлар. Улар суғориш ишларида катта-кичик сойлардаги булоқлардан, дарёларнинг ирмоқларидан ва қисман Қўҳитанг тоғи адирларидаги коризлардан фойдаланганлар. Улар суғорма деҳқончилик билан биргаликда лалмикорлик ҳам қилганлар.

Учинчи зонада эса кўпроқ чорвачилик билан шуғулланувчи этник гуруҳлар — қўнғирот, юз, дўрмон кабилар Шерободдарё оралиғидаги дашт зоналарида, Боботоғ этакларида, Қизирқ, Бандихон, Музробод, Хатробод чўлларида чорвачилик билан адирликларда эса лалмикор зироатчилик билан шуғулланганлар. Водийдаги чорвачилик учун қулай бўлган иқлим, табиий шароит тоғ ён адирлари ва кенг чўл зоналари бу ерда доний равишда ҳайдаб боқиладиган чорвачилик турининг сақланиб қолишига олиб келди. Бу зонада яшовчи айрим этник гуруҳларнинг тўлиқ ўтроқ турмуш тарзига ўтмаганлигининг сабаби ҳам хўжалигида чорвачилик етакчи ўрнида турганлигидир. Шу боис бўлса керакки, чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли ўзининг хўжалик, этник-маданий, антропологик ва тил хусусиятларининг XX аср бошларигача яхши сақлаб қолган эди.

Ўзбекистон, хусусан, ушбу ҳудуднинг дашт ва ярим дашт қисмида яъни, ўзига хос «кўчув даштлар»да баланд тоғ ва тоғолди зоналаридан фарқ қилиб, яйлов ва ҳайдов чорвачилиги экстенсив деҳқончилик ва уй касб-корлиги билан боғлиқ равишда сақланиб қолган

⁹ Хидоятлов И. О характере сельского хозяйства многонациональных районов Сурхандарьинской области в дореволюционное время//СЭ. 1970. № 2.

эди¹⁰. Бу эса шўролар давридаги баъзи тадқиқотларда таъкидланганидек, кўчманчилик ҳаёт тарзи эмас, балки митақанинг хўжалик маданий муҳитида анъанавий чорвачиликнинг табиий географик шариоитга мослашган шакли эди холос.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қарлуқлар ўзбек халқининг қадимги этник гуруҳларидан бири бўлиб, кўп асрлардан буён мазкур ҳудудда яшаётган бўлсалар-да, аммо водийдаги чорвачилик учун қулай муҳит уларни ҳам маълум бир қисмини ярим ўтроқ тарзда чорвачилик хўжалик тури билан XX аср бошларига қадар шуғулланишларига имкон берди. Демак, табиий муҳит ҳам этник гуруҳларнинг хўжалик фаолиятини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири деб айтиш мумкин.

Этник жараёнларга таъсир кўрсатадиган яна бир муҳим омиллардан бири — бу аҳоли сони ва зичлигидир. Маълумки, қаерда аҳоли сони кўп бўлса ва зич жойлашган бўлса, ўша ерда этник жараёнлар жадал суръатда давом этади. Сурхон-Шеробод водийсида эса Бухоро амирлигининг бошқа ўлкаларга нисбатан аҳоли зичлиги кам бўлган. 1924 йилги маълумотлар бўйича бунда 1 кв. км. да 6,6 киши тўғри келган. Ваҳолонки, қўшни Қашқадарё воҳасида ўша вақтда аҳоли зичлиги 1 кв. км. да 8,5 кишини, Зарафшон вилоятида эса 1 кв. км. да 20,2 кишини ташкил этар эди¹¹.

Урганилаётган ҳудуднинг маданий хўжалик муҳитини таҳлил қилиш натижасида шуни айтиш мумкинки, XIX аср охири — XX аср бошларида Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари каби Сурхон-Шеробод водийсида ҳам ярим ўтроқ аҳолининг кўп асрлар олдин бошланган ўтроқлашуви ва суғорма деҳқончилик билан шуғулланувчи турғун аҳоли билан одатдаги аралашув жараёни янада кучайди.

Хўжаликнинг икки тури — водийдаги суғорма деҳқончилик ва дашт яйлов чорвачилиги ўзаро бир-бирини тўлдириб уйғунлашиб борган. Натижада этник гуруҳлараро алоқалар жонланиб, бу уйғунлашув интеграция, консолидация ва ассимиляция жараёнларини кучайтирувчи омил бўлиб хизмат қилган. Бу ҳолатни К. Шониёзов таъбири билан айтганда, «бир ҳудудда этносларда ва этник гуруҳларда этник, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тобора яқинлашиб боришлари туфайли, улар ўртасидаги қавм-қариндошлик ришталари чуқурлашади»¹² ва натижада ўзинга хос этник муштараклик пайдо бўлган.

Демак, Ўзбекистон ҳудудидаги барча тарихий-маданий вилоятларда этник жараёнлар юқорида айтиб ўтилган муҳим омилларни у ёки бу даражадаги таъсири остида кечган. Шунинг учун ҳам биз Тошкент воҳаси ёхуд Зарафшон, Хоразм, Қашқадарё ва Фарғона водийси бўлсин, улардаги этник жараёнларнинг муҳим омилларини аниқлаб олмас эканмиз, шу ҳудуд аҳолисининг этник хусусиятлари ҳақида тўғри илмий хулосаларга эга бўла олмаймиз.

¹⁰ Кармышева Б. Х. «Кочевая степь» Мавераннахра и ее население в конце XIX — начале XX в. (по этнографическим данным)//СЭ. 1980. № 1. С. 47.

¹¹ Материалы по районированию Средней Азии. С. 261—270.

¹² Шониёзов К. Ш. Узбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. № 6. 41—42-бетлар.

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига***МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАРИХ ФАНИ**

Мақола Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар ва журналистлар билан 1998 йил 27 июлдаги учрашуви ва ЎзР ВМнинг шу йил 28 июлда қабул қилинган «Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 3 йиллигига бағишланади.

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллик байрами муносабати билан бутун мамлакат бўйлаб ҳар бир соҳада, жумладан, фанда ҳам истиқлолнинг ўтган ўн йил ичида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Хўш, ўтмиш тажрибасини ўрганш, ундан хулосалар чиқаришга даъват қилинган тарих фанида асрга татигулик ана шу ҳайратомуз даврда қандай ўзгаришлар содир бўлди? Ҳаммага маълумки, у ўзгармай қолиши мумкин эмас эди. Тарих фани жамиятда кечаётган ўзгаришларни кўзгудай бўлмаса-да, бевосита ақс эттириши шубҳасиз. Бундан ташқари, оламшумул воқеалар унинг услубий ва ташкилий ҳолатига ўз таъсирини ўтказди.

80-йиллар охирида тарих фанининг таназзулга юз тутгани аён бўлиб қолган эди. Бу даврга келиб Ватан тарихининг кўплаб етилган масалалари очиқ — ошкор кун тартибига қўйилди ва уларга янгича баҳо берилди: илгари «босмачилик» деб аталган миллий озодлик ҳаракати тўғрисида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди; Урта Осиёнинг Россияга «қўшиб олинган»лиги ҳақидаги ибора биринчи марта «босиб олинди» деб алмаштирилди; Ўзбекистондаги жамоалаштириш ва саноатлаштириш тарихи қайтадан кўриб чиқилага бошладди.

Тарихчилар икки гуруҳга: тарихга муносабатини ўзгартирганлар ва бу нарсани қаҳр-ғазаб билан қарши олганларга ажралди. Совет даврига хос марксча эски нуқтан назарлар ҳали устун эди. Уша даврдаги тарих фанининг ҳолатини ўзининг илк қадамларини ташлаётган ва қадам ташлаш асносида йиқилиб тушаётган гўдакнинг аҳволига ўхшатиш мумкин. Шу ўринда, қатъий туриб ингилианиш жараёнларига бошчилик қилган, тарихчи кадрларни ёшартириш йўлини тутган Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг ўша даврдаги директори, тарих фанлари доктори Р. Я. Ражабованинг хизматларини эътироф этиш керак. Тарихга коммунистик мафкура билан омухта қилинган европамарказчилик (европоцентризм) нуқтан назаридан ёндошувнинг яшовчанлиги шароитида бу фавқулудда мушкул эди. 1991 йили Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши эскича қарашларини

бартараф этиш жараёнини тезлаштирди. Лекин шу нарсани очик эътироф этиш керакки, бу жараён бир текис кечган эмас. Коммунистик мафкуранинг қарийб 70 йиллик ҳукмронлиги натижаси ўлароқ юзага келган таназзулни бартараф этиш фанда ҳам осон бўлмади. Вақт шитоб билан ўтар ва тарих ўзининг шиддатли юришини давом этар эди. Тарихчилар эса давр билан баравар қадам ташлаёлмас, тўғрироғи, бунинг улдасидан чиқолмас эдилар. Бу тушунарли. Зеро, тарихни қайта кўриб чиқиш архив ҳужжатлари ва бошқа манбаларни янгидан ўқишни тақозо қиладики, бу узоқ давом этадиган ва қунт-ҳафсалани талаб қиладиган машаққатли меҳнат ҳисобланади. Шунинг учун мазкур даврда публицистлар олдинги маррани эгалладилар ва жамиятда вужудга келган тарихга ташналикни бир қадар шошилиш, лекин старли даражада журъат билан қондирдилар. Тарихий адабиётларга бўлган талаб таклифдан ошиб кетди. Газета-журналларнинг саҳифалари тарихий мавзулардаги асарлар учун кенг очиб қўйилди. Албатта, тарих учун тақиқлаб қўйилган кўпдан-кўп мавзуларга биринчи бўлиб йўл очган публицистиканинг хизматларини эътироф этмаслик инсофдан эмас, лекин яққол кўриниб турган нарсаларни бўрттириш ҳисобига ҳаққониятнинг азият чекканлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Публицистларга эргашган баъзи бир тарихчилар ҳам шов-шувли мавзуларни кўтариб чиқишга майл кўрсатдилар, газеталарда босилиб чиққан мақолаларида масаланинг моҳиятига чуқур кириб бормай, шошилиш хулосалар чиқара бошладилар. Албатта, тарихчи газета ва журналда чиқиш қилар экан, жанр талабларига риоя этиши, ўткир ва ёрқин услубда ёзиши керак. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам у олим бўлиб қолиши, ишончли фактларга асосланиши, уларни текшириб кўриши, таҳлил қилиши ва умумлаштириши шарт. Андижон аҳолисининг 1898 йили чор маъмуриятига қарши кўтарилган ғалаёнига бошчилик қилган машҳур Дукчи Эшон тарихи билан боғлиқ биргина мисол келтираемиз. Шубҳасиз, бу миллий озодлик ҳаракати эди. Лекин тарихий публицистикада Эшоннинг миллий қаҳрамон даражасига кўтарилиши тўғри эмас. Чунки бунда унинг қарашлари ва тутган йўлини чуқур ўрганиш зарур. Дукчи Эшоннинг ўзи томонидан ёзилган «Ибрат ул-ғофилни» («Ғофилларга ибрат») асарини ўрганиш унинг дунёқараш торлиги, интеллектуал саёзлигидан далолат беради, қўзғолон иштирокчилари ва унинг раҳбари мақсадлари турли характердаги кишилар бўлганлигини кўрсатади. Ватанин озод қилишга қаратилган юксак мақсадлар эмас, балки Дукчи Эшоннинг дин воситасида амалга оширилган хоҳиш-истаклари ва мустамлакачи маъмурларнинг чек-чегарасиз зулмидан чарчаган қўзғолон қатнашчиларининг иқтисодий талаблари уни ғалаённи бошқаришга мажбур қилди. Эшоннинг ўзи эса, ноэтик мустақил ислом давлатини барпо этиш, «ҳақиқий ислом» динини қайта тиклашни орзу қилар ва ғазавотга даъват этар эди. Хайриятки, Б. Бобожоновнинг «Ўзбекистон тарихи» журналининг 2001 йил 2-сонида босилган мақоласи («1898 йилдаги Андижон қўзғолони: дарвишона ғазавот ёки мустамлакачиликка қарши чиқиш») туфайли бу масалага узил-кесил нуқта қўйилди.

Лекин тарихий мавзуларда тез ва саёз асарлар ёзиш иллати — илмдаги касибликнинг пайдо бўлиши фақат тарих фанининг ҳали бир қадар занфлиги билан изоҳланади. Тарихчилар ҳали оғиз очмаган мавзуларнинг ҳаёлий «жозибаторлиги», энг муҳими, қаҳрамонлар ва фактларни қурол қилиб олиб, отга қамчи босиш шулар жумласидандир. Ўзларининг саёз илмий қарашлари, жўп тушунчалари, кўп сонли фактик хатолари, ўтмишнинг юзига қора чаплашлари орқали улар носоғлом қизиқиш туғдириб, тарихий тарбияга жиддий зарар етказадилар. Бу фикрлар тарихий жанрдаги адабий асарларга ҳам тааллуқли. Лекин муаррих ёзувчининг рақиби эмас, балки бу борада, унинг ҳамкасби ва ёрдамчиси. Бу мулоҳазалардан мақсад тарихий жанрни қоралаш эмас (шунинг учун бу мавзудаги асарларнинг номини келтириб ўтирмаймиз), балки тарихчилар, ёзувчилар ва публицистларни мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирига ёрдам беришга даъват қилиш. Ҳеч бир тарихчи қизиқарли мавзудаги роман, қисса ва ҳикоя учун ёзувчига маслаҳат беришдан ўзини четга тортмайди. Бундай асарлар эса, ёшларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш ишининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Бевосита тарих фанининг ўтган ўн йилликдаги тарихига қайтар эканмиз, ўқувчи 90-йилларнинг бошида бу борадаги ишлар фақат газета мақолаларидан иборат экан-да, деган нотўғри тасаввурга бормаслиги кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Фанлар академиясининг Археология, Тарих ва Шарқшунослик институтларида тарих бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борилди.

90-йилларнинг ўрталарида ЎзР ФА Тарих институти олимлари томонидан кўплаб илмий тадқиқотлар эълон қилинди; тарих бўйича янги назарий ёндошувлар асосида бир қатор мактаб дарсликлари тайёрланди; 6 жилдга мўлжалланган Ўзбекистон тарихининг учинчи жилди; «Қанг давлати ва қанглилар» монографияси босилиб чиқди; 20—30-йилларнинг икки жилдлик тарихшунослиги нашр этилди ва ҳоказо. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузурида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур Марказ республикамизнинг етакчи тарихчилари иштирокида 3 жилдлик Ўзбекистон тарихи (Туркистоннинг Россия томонидан истило қилинишидан ҳозирги давргача) устида иш бошлади. Лекин шунга қарамай, тарих фани ва тарих соҳасидаги барча тадқиқотларни мувофиқлаштириши керак бўлган Тарих институтининг аҳволи жиддий эътиборга муҳтож бўлиб қолаверди. Муайян даражадаги маҳдудлик ва тарих йўналишидаги муассасаларнинг бир-бирдан ажралганлиги, мувофиқлаштирувчи марказнинг йўқлиги нафақат Ўзбекистоннинг бой тарихини янгича идрок этиш, балки янги миллий мафқуранинг шаклланишига хизмат қилувчи, нисбатан кенг доирадаги маънавий масалаларни ҳал этиш даъват қилинган тарих фанига талаб ўзгарган даврда унинг янгиланиши йўлидаги жиддий тўсиққа айланди. Фандаги ушбу аҳволнинг ёрқин намунаси ЎзР ФА Тарих институти эди.

Очиқ айтиш керакки, 1997 йилга келиб институт аянчли аҳволга тушиб қолган эди. Ёшларнинг кўпчилиги даромадли ташкилотларга

кедиб, институт таркиби асосан кексалар, ёши улуглардан иборат бўлиб қолди; бутун институтга бор-йўғи 2 та компьютер хизмат қилар эди; кўп жыллик тадқиқотлар охирига етказилмади ва улар ўз долзарблигини йўқотди, уларни нашр этиш учун маблағ ҳам йўқ эди; чет эллик олимлар билан бўлган эски алоқалар узилиб қолган эди. Айни пайтда, жамиятда ҳам, фанда ҳам, сиёсатчилар фаолиятида ҳам Ўзбекистоннинг илмий-назарий асосланган янги тарихига талаб катта эди. Тарих фанининг аҳволи, бир бутун олганда, мустақил давлатнинг нуфузига муносиб эмас, ҳали унинг ишончли таянчига айланмаган эди. Ягона концепция мавжуд эмас эди. Республика Президенти И. А. Каримовнинг 1998 йилнинг июнида бир гуруҳ тарихчи олимлар ва журналистлар билан учрашишига худди шу нарса сабаб бўлган эди. Ўз чиқишида давлат раҳбари тарих фанининг аҳволини аниқ ва ёрқин таърифлаб берди: «Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндошув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур»¹. Шу билан бирга, кўриб турганимиз каби инҳоятда муҳим икки вазифа кун тартибига қўйилди: яхлит концепция яратиш ва тарих фанини давлат сиёсати мақомига кўтариш.

Президентимиз томонидан фанининг илмий ва махсус функционал имкониятлари белгилаб берилди. Тарбия, маърифат, маънавиятни тиклаш, тарихий хотирани яратишни навбатдаги муҳим вазифалар сифатида белгилади. Шундай қилиб, тарих фанининг асосий вазифаси илмий асосланган маълумотлар йўли билан унинг бошқа жиҳати — тарбиявийликдан келиб чиққан ҳолда ўтмиш манзарасини гавдалантиришдан иборат методологик андозаси яратилди.

Бу андозанинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, тарих бу — мафқуранинг бир қисми ва унинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Бу жиҳатларнинг ҳар бири Президент томонидан аниқ ва тушунарли изоҳлаб берилди. Ўзбекистоннинг ҳаққоний тарихини яратиш зарурлиги ҳақидаги фикр унинг чиқишида қизил ип бўлиб ўтди. Токи бундай тарих «халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, гурурини уйғотсин. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас»². Бу жуда долзарб вазифа бўлиб, мустақил давлат ўз тарихига ва мустақил фикрлайдиган тарихчиларга муҳтож эди.

Ҳар бир тарихий ҳодиса турли қирраларга, жумладан, зиддиятларга ҳам эга бўлиши маълум. Ҳақиқий тарихчи ўзининг шахсий ҳиссиётларидан юқорига кўтарила олиши ва ўтмишнинг ҳолис, ҳар томонлама асосланган манзарасини яратиши керак, бу — фавқулодда мушкул иш. Бунинг учун сабр-тоқат, қобилият ва саъй-ҳаракат лозим бўлади. Тарих ҳаққонияти халққа нафақат ўз байрамларини нишон-

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 134-бет.

² Уша жойда. 153-бет.

лаш, балки қора кунларнинг моҳияти ва сабабларини тушуниш; нафақат ўз куч-қудратини тўла даражада англаш, шу билан бирга, олға силжишига ҳалақит бераётган иллатларнинг тарихий илдизларини кўришига ёрдам беради.

Тарихчилар билан суҳбатда мамлакат раҳбари илгари ҳеч ким кўтармаган яна бир масалага эътиборни қаратди, бу тарихчининг нуфузи, унинг ижтимоий қадр-қиммати ва обрўси.

Илмда кўпинча унвоилар, даражалар, лавозимларга ҳаддан зиёд эътибор қаратилади. Ҳақиқий олим учун эса амалда ҳамма нарсани лавозимлар, расмий нуфуз эмас, балки донимий фаолият, китоблар, ёрқин мақолалар, вонзга хос чинакам нутқ ва ниҳоят, фуқаровий ҳалоллик орқали орттирилган обрў-эътибор ҳал қилади. Журъати ва қатъиятини Президент ёдга олган археолог-тарихчи олим Яҳё Фуломов ана шундай нуфуз соҳибидир. Бу суҳбат яна шунинг учун ҳам жиддий аҳамиятга эга бўлдики, тарихчиларга икки етилган масалани ҳал қилиш топширилди: Ўзбекистон давлатчилиги қандай хусусиятларга эга, у қачон вужудга келган ва ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези) қандай содир бўлган? Бу масалаларга эса, албатта, шунчаки янгича эмас, балки концептуал ёндошиш лозим.

Давлат раҳбарининг «тарих фани, унинг бугунги аҳволи ва истиқбол ҳақида»ги гаплари шунчаки гап бўлиб қолмади. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори институти аҳволини тубдан ўзгартирди, уни ҳақиқатда республика тарихий тадқиқотлар марказига айлантирди. Институт салкам 60 йилдан буён фаолият кўрсатади. Мазкур давр мобайнида бу ерда тарих соҳасининг етакчи йўналишлари бўйича юзлаб кадрлар етишиб чиқди. Ҳукумат қарори унга иккинчи ҳаёт бағишлади. Институтнинг таркибий тузилишидан тортиб моддий таъминотига ҳамма нарса тубдан ўзгарди. Янгидан молиялаштириш туфайли институтнинг моддий-техник негизи мустаҳкамланди ҳамда сўнгги йилларда 40 дан ортиқ номдаги китоб ва рисолалар нашр этилди. Тарихчилар илк бор ўзларининг журналларига эга бўлдилар. Давлатнинг тарихга муносабати жамиятга ҳам таъсир кўрсатди. Олий ўқув юртиларининг тарих факультетлари мавқеи ошди. Тарихчи кадрларни тарбиялаш Тошкент, Бухоро ва Урганчдаги ихтисослаштирилган мактабларда бевосита мактаб партасидан бошланмоқда. Тарихчиларнинг ўзлари ўртасида ҳам сезиларли олға силжишлар содир бўлди. Институт томонидан ташкил этилган Яҳё Фуломов номидаги ўзбек давлатчилиги тарихи бўйича семинар уларни ўз атрофига бирлаштирди ва тарихчилар орасида оммалашиб кетди. Уларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларининг асосий натижаси барча босқичдаги муҳокамалардан ўтган ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи концепциясини яратиш бўлди.

Институтнинг биринчи навбатдаги вазифаси республиканинг археология, тарихшунослик ва тарих соҳасидаги етакчи илмий кучларини бирлаштириш бўлди. Бунинг учун мувофиқлаштириш вазифасини бажарадиган махсус дастур яратилди. Институт ҳузурида турли

илмий муассасалар вакилларидаги иборат Ўзбекистон давлатчилиги тарихи бўйича нашрларни тайёрлаш учун ишчи гуруҳнинг тузилиши бу борадаги иккинчи қадам бўлди. Шу тариқа илмий маҳдудлик ва тарқоқликка барҳам берилди. Лекин бунга ўхшаш тажриба илгари бўлмаганлиги мазкур ишлар, хусусан, уларнинг умумназарий қисмларида муайян қийинчиликлар туғдирди. Зеро, ҳозирга қадар биз давлатчилик тарихи бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган тадқиқотларга эга эмасмиз, маъмурий давлат ва тарихий ҳуқуқий анъаналар ҳамда бошқарув тизимининг шаклланиш йўллари жуда оз ўрганилган. Совет даври учун умуман тарихнинг барча даврларини қамраб оладиган умумлаштирувчи, универсал тарихларни яратиб хос эди. Бу ҳудудда йirik давлатлар мавжуд бўлган алоҳида регионлар тарихи масалаларини батафсил қараб чиқишга имкон бермас эди. Бундай ёндошув сиёсий асосга эга бўлган. Уша давр мафқураси тарихни бундай тушунтиришга йўл қўя олмас эди, чунки собиқ Иттифоқ ҳудудида давлатчилик битта бўлган деб ҳисобланар ва бирор бир республика бунинг аксини даъво қилолмас эди. Иш жараёнидан давлатчилик тарихини фақат тарихчилар, манбашунослар, археологлар, санъатшунослар ва ижтимоий фанларнинг бошқа вакиллариининг биргаликдаги куч-гайратлари билангина ёзиш мумкинлиги аён бўлди. Қийинчиликларни енгиб, олимлар Ўзбекистон давлатчилиги тарихини унинг сарчашмаларга асосланган ҳолда очерклар шаклида яратдилар: Ўзбекистон давлатчилигининг автохтон этномаданий негизига таянувчи қадимги цивилизация тараққиётининг олға бориши асосида мустақил равишда вужудга келгани; Ўзбекистон давлатчилигининг анъанавийлиги ва унинг тараққиётининг бир босқичдан иккинчисига ўтиш тарзида олға бургани; Ўзбекистон давлатчилиги тарихий шакллариининг турли-туманлиги; Ўзбекистон давлатчилиги шакллариининг цивилизация тараққиёти билан ягона жараёндаги тадрижий ривожланиши. Лекин бу бор-йўғи биринчи қадам, асосий иш — монография эса ҳали олдинда, кейин эса дарсликлар ва оммавий нашрларга навбат келади.

Лекин бунда тарихни шунчаки мантиқий мундарижа ёки билимлар мажмуига айлантириб қўймаслик, балки қадимги аждодлар ҳаётининг жонли ва ёрқин маънаси сифатида гавдалантириш зарур. Институтда этногенез масалаларига бағишланган «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» монографияси ҳам тайёрланди.

Лекин тарихчилар олдида турган вазифалар қилинган ишлардан кўра кўпроқ. Ҳақиқат кун тартибда долзарб бўлиб турган муаммо бу — кадрлар масаласи. Тарих институти ҳузурда Ўзбекистон Миллий университети билан Низомий номидаги педагогика университети иштирокида Ўзбекистон тарихи қўшма кафедрасининг ташкил этилиши бу борадаги ҳамкорликнинг муваффақиятли шакли бўлди. Унда бўлғуси магистрлар махсус фанлардан сабоқ олоқдалар. Бир вақтнинг ўзида улар институтнинг етакчи мутахассислари раҳбарлигида диплом ишларини ёзмоқдалар.

